Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 27 ноябрь шанба № 226—227 (21.578). Сотувда эркин нархда.

• ЎЗБЕКИСТОН—БУЮК БРИТАНИЯ:

САФАР МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ



СУРАТЛАРДА: 1. Ҳужжатлар имзоланиш маросимида. 2. Президент Ислом Каримов Лондон мэри Пол Ньюалл билан учрашди. А. ИЛЁСОВ (ЎзА) олган суратлар.

Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22—25 ноябрь кунлари расмий-амалий ташриф билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллигида бўлди.

Ташриф қироллик сиёсий ва иқтисодий давраларида катта қизиқиш уйғотди. Президент Ислом Каримовнинг Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжор, Ташқи ишлар вазирлиги раҳбарияти, бошқа сиёсатчилар билан музокаралари юқори баҳоланди. Ўзаро иқтисодий ҳамкорлик ҳақида, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида, ҳаво йўлларини очиш хусусида имзоланган шартнома ва битимлар икки давлатнинг бўлажак алоқалари янги босқичга кўтарилганидан далолат беради. Тўртинчи ҳужжат — бир давлат фуқароларининг иккинчи давлат ҳудудида эркин юриши ҳақидаги меморандум ҳам ўзаро сиёсий иқлим анча мўътадил эканидан дарак беради.

Буюк Британия банклари вакиллари ва ишбилармонлари билан учрашувлар ташриф дастуридан жуда катта ўрин олди. Неча асрлардан бери фаолият кўрсатиб келаётган «Рортшильд энд санз» ва «Барклайз» банкларининг, Буюк Британия ҳудудида фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар, хусусан, Европа Қайта тиклаш ва тараққиёт банкининг раҳбарлари Президент Ислом Каримов билан кўришиб, ўзаро манфаатли режалар ва уларга зарур сармояларни ажратиш хусусида сўз юритдилар.

Ўзбекистонга қизиқиш кучли эканидан дарак берувчи кичик бир тафсилот: Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Жон Мейжорнинг ўзаро суҳбатидан сўнг икки-уч соат ўтмасдан туриб, транспорт вазири Мак Грегори Буюк Британия ҳукумати келаси йил бошида энг масъул вазирлардан бири бошчилигида Ўзбекистонга ишбилармонларнинг катта бир гуруҳини юборишга қарор қилганини билдирди.

Маълумки, Буюк Британия яқин-яқингача Ўзбекистон билан иқтисодий алоқалар ўрнатишда анча эҳтиёткорлик қилган эди. Умуман, инглизлар дунёдаги энг босиқ ва эҳтиёткор халқ ҳисобланади. Бугунга келиб, уларнинг Ўзбекистон билан тиғиз ҳамкорлик қилишга шайлик билдиргани — шарофатли бир аломат. Бу — Ўзбекистондаги сиёсий ва ижтимоий барқарорлик мустаҳкамлигига, мамлакатда иш юритиш учун барча имкониятлар мавжудлигига зўр бир ишоратки, бундан биз — бор-йўғи икки йил бурун истиқлолга эришиб, мухтасар муддат ичида бутун дунёга, жумладан, Буюк Британияга ўзини танитиб, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик таклиф этаётган ёш давлат вакиллари, ҳақли тарзда ғурур этсак арзийди.

Сафар чоғида Президент Ислом Каримов Буюк Британия қироличаси Элизабет II зоти олиялари билан учрашди ва халқларимизнинг ўзаро маънавий-маданий алоқалари ҳақида суҳбатлашди.

Ўзбекистон Президенти Буюк Британиянинг Манчестер ва Ливерпул шаҳарларига ҳам борди. У ердаги корхоналар, уюшмалар ва биржалар фаолияти билан танишди.

Буюк Британия раҳбарлари ва халқи Ўзбекистон раҳбарига самимий ҳурмат ва эҳтиром кўрсатди.

Президент Ислом Каримов бошчилик қилган Ўзбекистон делегацияси 26 ноябрь куни эрта тонгда Ватанга қайтиб келди.

(ЎзА).

СЎМ-КУПОННИНГ ҚИЙМАТИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Марказий банки қадрсизланган эски нусхадаги пулнинг асосий қисмини муомаладан чиқариб, сўм-купоннинг баҳосини 1993 йилда чиқарилган Россия рублига нисбатан —1:1 ва АҚШ долларига нисбатан —1150:1 қилиб белгилади.

Республикада мавжуд бўлган ва янги ташкил этилган алмаштириш пунктлари валюта билан боғлиқ операцияларни ана шу нисбат бўйича амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.

БУЮК ҲАМЮРТИМИЗГА БАҒИШЛАНАДИ

Буюк ҳамюртимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган куннинг 510 йиллиги яқинлашиб келмоқда. Бутун Ўзбекистонда бўлганидек, Андижонда ҳам бу санага қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Вилоят ўлкашунослик музейи Ўзбекистон Фанлар академияси археология институти олимлари ва ходимлари билан ҳамкорликда буюк тарихчи олим, географ, этнограф, шоир, саркарда ва давлат арбоби бўлмиш Бобур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кўчма кўргазма ташкил этди.

Кўргазмада Бобур юртида қазиб олинган ашёлар, суратлар, археологик топилмалар, тарихий ҳужжатлар бор. Тасвирий санъат асарлари — рассомлар, кулоллар, ўймакор ва кандакорларнинг Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган асарлари ҳам кўргазмада асосий ўринни эгаллайди.

Кўргазманинг бир бўлими Андижонда Бобур хотирасини абадийлаштиришга бағишланган. Ҳозирги кунда вилоят марказий кутубхонаси, шаҳардаги Бобур ҳайкали ўрнатилажак майдон, давлат университети, шунингдек, ўнлаб мактаб, кўча ва хўжаликлар Бобур номи билан аталмоқда.

Кўргазма томошабинларнинг улуғ ҳамюртимиз ҳақидаги тасаввурини янада бойитади.

К. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

• ДОЛЗАРБ МАВЗУДА

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ҲОЗИРЛИК

Мустақил давлатимиз мустақил Конституциясининг биринчи йиллигини умумхалқ байрами сифатида нишонлаш учун қизғин ҳозирлик кўрилмоқда, барча вилоятларда Конституция кунига бағишланган йиғинлар, суҳбатлар ва бошқа тадбирлар ўтказилмоқда.

Байрам арафасида Тошкентдаги «Туркистон» маданият саройида илмий конференция бўлади. Халқлар дўстлиги саройида эса Конституция кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва катта концерт ўтказилади. Пойтахтнинг Мустақиллик майдонларида, Алишер Навоий номидаги миллий боғда, Амир Темур хиёбонида халқ сайллари, санъаткорлар ва бадиий ҳаваскорларнинг турли томошалари бўлади, савдо расталари ташкил этилади.

25 ноябрь куни республика Вазирлар Маҳкамасида байрамни ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошчилигида ўтган йиғилишда ана шу масалалар атрофлича кўриб чиқилди. Тегишли вазирликлар, идораларнинг вакиллари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ўринбосарлари байрамга тайёргарлик қандай бораётгани хусусида ахборот берди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Олий Кенгаш Раисининг ўринбосари Э. Халилов, Бош вазир ўринбосари М. Қорабоев, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков қатнашдилар.

(ЎзА).

Ҳар қандай давлатнинг мустақиллигини таъминлайдиган бир қанча омиллар бўлади. Булар — чегара, уни қўриқлайдиган қўшин, Конституция, давлат рамзлари, байроғи ҳамда иқтисодий муомала воситаси бўлмиш миллий валютанинг мавжудлигидир.

ЎЗБЕКНИНГ СЎМИ

Бир пайтлар улуғ боболаримиз томонидан зарб этилган пулимиз дунё кезгани рост. Хоразм ва Бухоронинг тилла тангалари жаҳон бозорида нақадар машҳур бўлгани мозийдан яхши маълум. Тарихий манбаларимизни кўздан кечирганлар шу ҳақиқатни эслаб қўйсалар, фойдадан ҳоли бўлмас.

Донишмандлар «Оққан дарё оқмай қолмас», деб каромат қилганларидек, бугун яна қаддимиз ростланиб, ўзлигимизни англамоқдамиз. Мустақиллигимизни белгилайдиган жиҳатлар аста-секин шаклланмоқда. Оламнинг олий мавжудоти бани одамзод ҳаёти давомида кемтик дунёни босқичма-босқич мукаммаллаштириб боришга интилганидек, энди-энди жаҳон саҳнига чиқаётган давлатимизда ҳам мустақилликни белгилайдиган омиллар шаклланиб, бўй кўрсатмоқда. Жумладан, ўзбек сўмининг муомалага киритилиши ижтимоий ҳаётимиздаги ана шундай бир кемтикликни тўлдиражагидан умидворимиз.

Ўзбекнинг сўми дунёга келди. Энди у миллий валюта — ўзбек пули сифатида доллару марка, фунт-стерлингу лира, рубль ва риёл, тангаю франк каби иқтисодий ҳаётга мустақил қадам қўйиши, улар билан тенглашиши, баъзиларидан ўзиб кетиши, дунёдаги қудратли валюталардан бирига айланиши лозим. Шундай бўлади ҳам. Бунга етарли асос бор.

Сўмнинг жорий этилганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Дастлабки кунлари қийинроқ бўлди. Рубль ёки доллар билан майдонга тушиш осон кечмайди, албатта. У туғилган куни бозорда нарх-наво кескин ошди. Жамғарма банклари олдидаги навбатларнинг гўё чеки йўқдек эди. Бор-йўғи беш кундан кейин бу аҳвол яна табиий ҳолатига қайтди. Нарх-наво ҳам секин-аста жойига тушаётир.

Сўм — ўзбек давлатининг миллий валютаси, товар айирбошлаш, муомала воситаси, халқ мулки, моддий бойликлари, ички бозорнинг ишончли ҳимоячисидир. Энди унга халқаро молия биржалари, бозорларида ўрин ва нисбат берилади. Демак, у ўзбекни дунёга танитгувчи ташрифнома ҳамдир.

Сўм — мамлакатимиз бозорининг тўкин-сочинлиги манбаи ва бошқа валюталар истилосига қарши мустаҳкам тўғондир.

Сўм — истиқлол ва эркнинг муҳим белгиси, миллатнинг фахри ва таянчларидан биридир.

Шу кунларда Ўзбекистоннинг сўмни жорий этиш билан боғлиқ муаммолари турлича шарҳланаётир.

Баъзи хорижий матбуот нашрларида ёзилишича, Ўзбекистон сўмни киритишда гўёки сусткашликка йўл қўйди. Иккинчи хил нашрларда Россия Ўзбекистонни рубль ҳудудидан мажбуран чиқариб юборгани баён этилади. Уларнинг талқинича, ягона рубль ҳудудида қолишдан Россия иқтисодий жиҳатдан ютқазаётган экан. Учинчи хил оммавий ахборот воситалари эса, сўм рубль ёки долларга бардош беролмайди, уни Украина карбованецининг тақдири кутаётир, деган ва бошқа шунга ўхшаш тахминларни билдирмоқда.

Бундай фикр-мулоҳазалар қанчалик тўғри? Келинг, ушбу саволларга баҳолиқудрат жавоб берайлик.

Аслида-ку, МДҲ мамлакатлари келишиб, бир вақтда миллий пул бирлигига ўтганида энг қулай ва кам харажат йўл шу бўлур эди. Улар ўртасидаги товар айирбошлаш доллар билан ҳисобланиб, ҳар бир давлатнинг ўз балансига ўтказилар, балки, МДҲнинг захира фонди тузилиши, ҳар бирининг улуши қатъий белгилаб қўйилиши мумкин эди. Бироқ, бундай бўлмади.

Аммо бунга қанча ҳаракат қилинди! Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистонда бир хил пул бирлигини жорий этиш таклифи билан чиқди. Таассуфки, бу ғоя ҳам етарлича қўллаб-қувватланмади. Республикаларнинг бири у ёққа тортди, бири бу ёққа. Фақат Ўзбекистон ва Қозоғистонгина миллий валютага баҳамжиҳат, бир вақтнинг ўзида ўтишга қарор қилди.

Президентимизнинг мазкур таклифида пухта ҳисоб-китоб ва асос бор эди.

Биринчидан, собиқ СССР ягона ёпиқ иқтисодий макон эди. Ишлаб чиқариш ниҳоятда ихтисослаштирилган ва минтақалаштирилган бўлиб, ҳар бир республиканинг маълум бир маҳсулотни сотишда яккаҳокимлик ва ўзаро боғлиқлик даражаси ниҳоятда қаттиқ эди.

Бундай шароитда пул ислоҳотини алоҳида-алоҳида ўтказиш МДҲга аъзо бўлган ҳар қайси давлат учун жуда қимматга тушар эди. Негаки, миллий валютанинг ресурс, товар, олтин таъминоти, шунингдек, иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий аҳвол ҳам ҳар жойда ҳар хил эди. Иккинчидан, МДҲнинг бирйўла ўз миллий асъорларига ўтишининг яна бир муҳим аҳамияти бор эди. Собиқ СССР доирасида миллатлар сочилиб кетган, уларни ҳар хил сиёсий ўйинлар қурбонига айлантирувчи кучлар етарли эди. Учинчидан, ҳокимиятга қарши мухолиф кучлар миллий асъор жорий қилиш билан боғлиқ камчиликлардан усталик билан фойдаланиш пайида бўлардилар.

Айниқса, бу жиҳатлар кўп миллатли ва бой мамлакатда ҳисобга олиниши шарт эди. Шу боис республика иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказишда, ҳаётга жорий этишда ҳеч қандай шошма-шошарлик йўл қўйилмади. Ҳар бир қадам пухта ўйланди, ҳисоб-китоб қилинди, ҳаётнинг ўзи кўрсатган йўналишда иш олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22—25 ноябрь кунлари расмий-амалий ташриф билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллигида бўлди.

Ташриф қироллик сиёсий ва иқтисодий давраларида катта қизиқиш уйғотди. Президент Ислом Каримовнинг Буюк Британия Бош вазири Жон Мейжор, Ташқи ишлар вазирлиги раҳбарияти, бошқа сиёсатчилар билан музокаралари юқори баҳоланди. Ўзаро иқтисодий ҳамкорлик ҳақида, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисида, ҳаво йўлларини очиш хусусида имзоланган шартнома ва битимлар икки давлатнинг бўлажак алоқалари янги босқичга кўтарилганидан далолат беради. Тўртинчи ҳужжат — бир давлат фуқароларининг иккинчи давлат ҳудудида эркин юриши ҳақидаги меморандум ҳам ўзаро сиёсий иқлим анча мўътадил эканидан дарак беради.

Буюк Британия банклари вакиллари ва ишбилармонлари билан учрашувлар ташриф дастуридан жуда катта ўрин олди. Неча асрлардан бери фаолият кўрсатиб келаётган «Рортшильд энд санз» ва «Барклайз» банкларининг, Буюк Британия ҳудудида фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар, хусусан, Европа Қайта тиклаш ва тараққиёт банкининг раҳбарлари Президент Ислом Каримов билан кўришиб, ўзаро манфаатли режалар ва уларга зарур сармояларни ажратиш хусусида сўз юритдилар.

Ўзбекистонга қизиқиш кучли эканидан дарак берувчи кичик бир тафсилот: Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Жон Мейжорнинг ўзаро суҳбатидан сўнг икки-уч соат ўтмасдан туриб, транспорт вазири Мак Грегори Буюк Британия ҳукумати келаси йил бошида энг масъул вазирлардан бири бошчилигида Ўзбекистонга ишбилармонларнинг катта бир гуруҳини юборишга қарор қилганини билдирди.

Маълумки, Буюк Британия яқин-яқингача Ўзбекистон билан иқтисодий алоқалар ўрнатишда анча эҳтиёткорлик қилган эди. Умуман, инглизлар дунёдаги энг босиқ ва эҳтиёткор халқ ҳисобланади. Бугунга келиб, уларнинг Ўзбекистон билан тиғиз ҳамкорлик қилишга шайлик билдиргани — шарофатли бир аломат. Бу — Ўзбекистондаги сиёсий ва ижтимоий барқарорлик мустаҳкамлигига, мамлакатда иш юритиш учун барча имкониятлар мавжудлигига зўр бир ишоратки, бундан биз — бор-йўғи икки йил бурун истиқлолга эришиб, мухтасар муддат ичида бутун дунёга, жумладан, Буюк Британияга ўзини танитиб, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик таклиф этаётган ёш давлат вакиллари, ҳақли тарзда ғурур этсак арзийди.

Сафар чоғида Президент Ислом Каримов Буюк Британия қироличаси Элизабет II зоти олиялари билан учрашди ва халқларимизнинг ўзаро маънавий-маданий алоқалари ҳақида суҳбатлашди.

Ўзбекистон Президенти Буюк Британиянинг Манчестер ва Ливерпул шаҳарларига ҳам борди. У ердаги корхоналар, уюшмалар ва биржалар фаолияти билан танишди.

Буюк Британия раҳбарлари ва халқи Ўзбекистон раҳбарига самимий ҳурмат ва эҳтиром кўрсатди.

Президент Ислом Каримов бошчилик қилган Ўзбекистон делегацияси 26 ноябрь куни эрта тонгда Ватанга қайтиб келди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Марказий банки қадрсизланган эски нусхадаги пулнинг асосий қисмини муомаладан чиқариб, сўм-купоннинг баҳосини 1993 йилда чиқарилган Россия рублига нисбатан —1:1 ва АҚШ долларига нисбатан —1150:1 қилиб белгилади.

Республикада мавжуд бўлган ва янги ташкил этилган алмаштириш пунктлари валюта билан боғлиқ операцияларни ана шу нисбат бўйича амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.

БУЮК ҲАМЮРТИМИЗГА БАҒИШЛАНАДИ

Буюк ҳамюртимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган куннинг 510 йиллиги яқинлашиб келмоқда. Бутун Ўзбекистонда бўлганидек, Андижонда ҳам бу санага қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Вилоят ўлкашунослик музейи Ўзбекистон Фанлар академияси археология институти олимлари ва ходимлари билан ҳамкорликда буюк тарихчи олим, географ, этнограф, шоир, саркарда ва давлат арбоби бўлмиш Бобур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кўчма кўргазма ташкил этди.

Кўргазмада Бобур юртида қазиб олинган ашёлар, суратлар, археологик топилмалар, тарихий ҳужжатлар бор. Тасвирий санъат асарлари — рассомлар, кулоллар, ўймакор ва кандакорларнинг Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган асарлари ҳам кўргазмада асосий ўринни эгаллайди.

Кўргазманинг бир бўлими Андижонда Бобур хотирасини абадийлаштиришга бағишланган. Ҳозирги кунда вилоят марказий кутубхонаси, шаҳардаги Бобур ҳайкали ўрнатилажак майдон, давлат университети, шунингдек, ўнлаб мактаб, кўча ва хўжаликлар Бобур номи билан аталмоқда.

Кўргазма томошабинларнинг улуғ ҳамюртимиз ҳақидаги тасаввурини янада бойитади.

К. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

• ДОЛЗАРБ МАВЗУДА

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ҲОЗИРЛИК

Мустақил давлатимиз мустақил Конституциясининг биринчи йиллигини умумхалқ байрами сифатида нишонлаш учун қизғин ҳозирлик кўрилмоқда, барча вилоятларда Конституция кунига бағишланган йиғинлар, суҳбатлар ва бошқа тадбирлар ўтказилмоқда.

Байрам арафасида Тошкентдаги «Туркистон» маданият саройида илмий конференция бўлади. Халқлар дўстлиги саройида эса Конституция кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва катта концерт ўтказилади. Пойтахтнинг Мустақиллик майдонларида, Алишер Навоий номидаги миллий боғда, Амир Темур хиёбонида халқ сайллари, санъаткорлар ва бадиий ҳаваскорларнинг турли томошалари бўлади, савдо расталари ташкил этилади.

25 ноябрь куни республика Вазирлар Маҳкамасида байрамни ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошчилигида ўтган йиғилишда ана шу масалалар атрофлича кўриб чиқилди. Тегишли вазирликлар, идораларнинг вакиллари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ўринбосарлари байрамга тайёргарлик қандай бораётгани хусусида ахборот берди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Олий Кенгаш Раисининг ўринбосари Э. Халилов, Бош вазир ўринбосари М. Қорабоев, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков қатнашдилар.

(ЎзА).

Ҳар қандай давлатнинг мустақиллигини таъминлайдиган бир қанча омиллар бўлади. Булар — чегара, уни қўриқлайдиган қўшин, Конституция, давлат рамзлари, байроғи ҳамда иқтисодий муомала воситаси бўлмиш миллий валютанинг мавжудлигидир.

ЎЗБЕКНИНГ СЎМИ

Бир пайтлар улуғ боболаримиз томонидан зарб этилган пулимиз дунё кезгани рост. Хоразм ва Бухоронинг тилла тангалари жаҳон бозорида нақадар машҳур бўлгани мозийдан яхши маълум. Тарихий манбаларимизни кўздан кечирганлар шу ҳақиқатни эслаб қўйсалар, фойдадан ҳоли бўлмас.

Донишмандлар «Оққан дарё оқмай қолмас», деб каромат қилганларидек, бугун яна қаддимиз ростланиб, ўзлигимизни англамоқдамиз. Мустақиллигимизни белгилайдиган жиҳатлар аста-секин шаклланмоқда. Оламнинг олий мавжудоти бани одамзод ҳаёти давомида кемтик дунёни босқичма-босқич мукаммаллаштириб боришга интилганидек, энди-энди жаҳон саҳнига чиқаётган давлатимизда ҳам мустақилликни белгилайдиган омиллар шаклланиб, бўй кўрсатмоқда. Жумладан, ўзбек сўмининг муомалага киритилиши ижтимоий ҳаётимиздаги ана шундай бир кемтикликни тўлдиражагидан умидворимиз.

Ўзбекнинг сўми дунёга келди. Энди у миллий валюта — ўзбек пули сифатида доллару марка, фунт-стерлингу лира, рубль ва риёл, тангаю франк каби иқтисодий ҳаётга мустақил қадам қўйиши, улар билан тенглашиши, баъзиларидан ўзиб кетиши, дунёдаги қудратли валюталардан бирига айланиши лозим. Шундай бўлади ҳам. Бунга етарли асос бор.

Сўмнинг жорий этилганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Дастлабки кунлари қийинроқ бўлди. Рубль ёки доллар билан майдонга тушиш осон кечмайди, албатта. У туғилган куни бозорда нарх-наво кескин ошди. Жамғарма банклари олдидаги навбатларнинг гўё чеки йўқдек эди. Бор-йўғи беш кундан кейин бу аҳвол яна табиий ҳолатига қайтди. Нарх-наво ҳам секин-аста жойига тушаётир.

Сўм — ўзбек давлатининг миллий валютаси, товар айирбошлаш, муомала воситаси, халқ мулки, моддий бойликлари, ички бозорнинг ишончли ҳимоячисидир. Энди унга халқаро молия биржалари, бозорларида ўрин ва нисбат берилади. Демак, у ўзбекни дунёга танитгувчи ташрифнома ҳамдир.

Сўм — мамлакатимиз бозорининг тўкин-сочинлиги манбаи ва бошқа валюталар истилосига қарши мустаҳкам тўғондир.

Сўм — истиқлол ва эркнинг муҳим белгиси, миллатнинг фахри ва таянчларидан биридир.

Шу кунларда Ўзбекистоннинг сўмни жорий этиш билан боғлиқ муаммолари турлича шарҳланаётир.

Баъзи хорижий матбуот нашрларида ёзилишича, Ўзбекистон сўмни киритишда гўёки сусткашликка йўл қўйди. Иккинчи хил нашрларда Россия Ўзбекистонни рубль ҳудудидан мажбуран чиқариб юборгани баён этилади. Уларнинг талқинича, ягона рубль ҳудудида қолишдан Россия иқтисодий жиҳатдан ютқазаётган экан. Учинчи хил оммавий ахборот воситалари эса, сўм рубль ёки долларга бардош беролмайди, уни Украина карбованецининг тақдири кутаётир, деган ва бошқа шунга ўхшаш тахминларни билдирмоқда.

Бундай фикр-мулоҳазалар қанчалик тўғри? Келинг, ушбу саволларга баҳолиқудрат жавоб берайлик.

Аслида-ку, МДҲ мамлакатлари келишиб, бир вақтда миллий пул бирлигига ўтганида энг қулай ва кам харажат йўл шу бўлур эди. Улар ўртасидаги товар айирбошлаш доллар билан ҳисобланиб, ҳар бир давлатнинг ўз балансига ўтказилар, балки, МДҲнинг захира фонди тузилиши, ҳар бирининг улуши қатъий белгилаб қўйилиши мумкин эди. Бироқ, бундай бўлмади.

Аммо бунга қанча ҳаракат қилинди! Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистонда бир хил пул бирлигини жорий этиш таклифи билан чиқди. Таассуфки, бу ғоя ҳам етарлича қўллаб-қувватланмади. Республикаларнинг бири у ёққа тортди, бири бу ёққа. Фақат Ўзбекистон ва Қозоғистонгина миллий валютага баҳамжиҳат, бир вақтнинг ўзида ўтишга қарор қилди.

Президентимизнинг мазкур таклифида пухта ҳисоб-китоб ва асос бор эди.

Биринчидан, собиқ СССР ягона ёпиқ иқтисодий макон эди. Ишлаб чиқариш ниҳоятда ихтисослаштирилган ва минтақалаштирилган бўлиб, ҳар бир республиканинг маълум бир маҳсулотни сотишда яккаҳокимлик ва ўзаро боғлиқлик даражаси ниҳоятда қаттиқ эди.

Бундай шароитда пул ислоҳотини алоҳида-алоҳида ўтказиш МДҲга аъзо бўлган ҳар қайси давлат учун жуда қимматга тушар эди. Негаки, миллий валютанинг ресурс, товар, олтин таъминоти, шунингдек, иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий аҳвол ҳам ҳар жойда ҳар хил эди. Иккинчидан, МДҲнинг бирйўла ўз миллий асъорларига ўтишининг яна бир муҳим аҳамияти бор эди. Собиқ СССР доирасида миллатлар сочилиб кетган, уларни ҳар хил сиёсий ўйинлар қурбонига айлантирувчи кучлар етарли эди. Учинчидан, ҳокимиятга қарши мухолиф кучлар миллий асъор жорий қилиш билан боғлиқ камчиликлардан усталик билан фойдаланиш пайида бўлардилар.

Айниқса, бу жиҳатлар кўп миллатли ва бой мамлакатда ҳисобга олиниши шарт эди. Шу боис республика иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказишда, ҳаётга жорий этишда ҳеч қандай шошма-шошарлик йўл қўйилмади, ҳар бир қадам пухта ўйланди, ҳисоб-китоб қилинди, ҳаётнинг ўзи кўрсатган йўналишда иш олиб борилди.

• *Аҳвол қалай, партиядошлар?*

ЎЗИНИ ТАНИГАН ЎЗГАНИ ТАНИЙДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жарқўрғон туман ташкилотининг бирдан-бир орзу-нияти истиқлолимизни янада мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш, меҳнатда қувончли ютуқларга эришишдир.



Ўзини таниган халққа интилади, дейдилар. Ҳар қандай интилиш, изланиш, меҳнат халқ манфаатларига хизмат қилсагина у қадрлидир. Туман партия Кенгаши ва жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга, меҳр-мурувват кўрсатишга, ночорларга ғамхўрлик қилиш каби олийжаноб инсоний туйғуларни ҳар бир киши қалбига сингдиришдек муҳим ҳаётий масалаларга эътиборни кучайтирмоқда.

Айни пайтда туманда 11801 нафақахўр бор. Уларнинг 182 нафари Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. Турли табақаларга мансуб кишиларга ғамхўрлик қилиш туман кенгаши ва бошланғич партия ташкилотларининг диққат марказида турибди.

Республика Президентининг 1991 йил 29 майдаги Фармонига асосан 58 нафар ёлғиз, қаровчиси йўқ ногиронларга саккиз турдаги озиқ-овқат ва энг зарур кундалик эҳтиёж моллари берилмоқда. 1991 йил 1 июлдан бошлаб улар коммунал хизматлар, уй ҳақи тўловларидан озод этилганлар.

Меҳр-шафқат тадбирлари аҳоли томонидан мамнуният билан кутиб олинмоқда. Шунинг учун ҳам партия ташкилотлари бундай тадбирларга доимий тус беришга ҳаракат қилмоқдалар. Хусусан, тумандаги Ҳамид Олимжон номли давлат хўжалиги партия ташкилотининг маъмурият билан ҳамкорликда шу соҳада олиб бораётган ишлари диққатга сазовор.

Пахта тозалаш заводи бошланғич партия ташкилоти ва маъмурияти 250 та оилага 150 килограммдан буғдой, Ғалаба куни — 9 Май байрами арафасида ўн уч нафар Улуғ Ватан уруши қатнашчисига ўн минг сўмдан, «Наврўз» байрами арафасида қирқта оилага 1,5 минг сўмдан, 22 нафар байналмилал жангчининг ҳар бирига беш минг сўмдан пул тарқатди.

Норали Боймуродов номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти ва маъмурияти аҳолига кўмаклашиш мақсадида амалга ошираётган ишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Жамоа хўжалигида ўн тўртта оилага қўй, гуруч, мой ҳамда Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига ва урушда ҳалок бўлган жангчилар оилаларига беш минг сўмдан пул берилди.

Туман аҳолисининг ижтимоий шароитини яхшилаш мақсадида республика ҳукуматининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва газ билан таъминлашни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажаришда ҳам бир қатор ишлар қилинмоқда.

Бу масалаларнинг ижобий ҳал бўлишида ХДП аъзолари бўлган депутатларнинг хизматлари, айниқса, катта бўляпти.

Жумладан, туман кенгашининг ижроия бюроси мажлисида «Сурхон» давлат хўжалиги бригада бошлиғи, вилоят Кенгаши депутати, ХДП аъзоси Малика Давлатованинг қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш ҳамда сайловчиларга ижтимоий шароит яратиб беришдаги фаолияти ҳақидаги масала кўрилди.

Депутат Малика Давлатова ўзининг кўп йиллик бригадирлик фаолиятида юқори ҳосил олиб келмоқда.

Малика Давлатова ХДП аъзоси сифатида жамоа ишларида фаол қатнашяпти. У ўз бўлимида цех партия ташкилотининг котибаси. Унинг тавсияси билан цех бошланғич партия ташкилоти 1993 йилда ишлаб чиқариш илғорларидан тўрт кишини партия сафига қабул қилди.

Депутат ўз сайловчиларининг наказларини бажаришда ҳам бошқа ноибларга ибрат бўлмоқда. Давлат хўжалиги ҳудудидаги Авлот қишлоғига асфальт ётқизилганидан қишлоқ аҳли мамнун. «Сурхон» давлат хўжалиги марказий кўчаларини ёритиш ҳам унга наказ сифатида берилганди, бу наказнияам нонб бажарди. Ҳозир у янги телефон станциясини ўрнатиш масаласини ҳал қилиш мақсадида вилоят алоқа бўлими билан доимий мулоқотда бўлиб турибди.

Жарқўрғон туман партия Кенгаши М. Давлатова олиб бораётган намунали ишларни маъқуллади.

Аҳолини иш билан таъминлаш бўйича ҳам маълум ижобий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, туман Кенгашининг ёрдамчи хўжалиги бўлиб, ўттиз беш гектар ерда пахтачилик билан шуғулланади. Хўжалик ташкил этилиши эвазига қишлоқдаги ўттизга яқин киши иш билан таъминланди.

Туманимиз партия ташкилоти юртбошимизнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялашга доир Фармонларининг бажарилишини ХДП аъзолари бўлган халқ депутатлари ва раҳбарлар орқали назорат қилиб турибди.

Хуллас, Жарқўрғон туман партия Кенгаши меҳнаткашларга ҳам сўзи билан, ҳам амалий фаолияти билан мадад бераётир.

Турсуной АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон ХДП Жарқўрғон туман Кенгаши иккинчи котиби.

• *8 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни*

Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясининг қабул қилиниши давлат мустақиллигининг энг муҳим белгиси бўлиб, жуда катта сиёсий ва амалий аҳамиятга эгадир. Чунки унда инсон ҳуқуқлари ва миллий мустақиллик қонуний эълон қилиниб, халқаро ҳуқуқнинг умумий қоидалари асосида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ифодаланган.

Ҳуқуқий давлат ўзида яшовчи барча табақа ва гуруҳларнинг миллат ва элатларнинг инсонпарварлик қондаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.



МУСТАҚИЛЛИК АСОСЛАРИ

1. Ўзбекистон — суверен демократик давлат бўлиб, у бирон синф, сиёсий партия, табақа ва гуруҳнинг манфаатларини бошқарувчи диктатор бўлмай, жамиятдаги барча сиёсий партия, табақа ва гуруҳларнинг, миллат ва элатларнинг манфаатларини ифодалайди. Халқ давлат ҳокимиятининг асосий манбаи бўлиб, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини ҳимоя қилади. Бу ҳақда Конституциянинг 13-моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади».

2. Жамиятда қонуннинг устунлик принципи. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар ўз иш фаолиятларида Конституция ва қонунларга амал қилади. Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган мезонлари устунлигини тан олади. Бирорта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция қоидаларига зид бўлмаслиги керак.

3. Конституциянинг 56-моддасида кўрсатилганидек, давлат ва жамият ишларини бошқариш учун Ўзбекистон Республикасида қонуний равишда касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотинқизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмаларига йўл қўйилади ва улар буларда фаол қатнашади.

4. Давлат ҳокимиятини демократик асосда ташкил қилиш ва унинг иш олиб бориши, ҳамда ҳокимиятни суиистеъмол қилмаслик учун Конституциянинг II-моддасида белгиланганидек, «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади».

5. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари халқаро ҳуқуқий нормалар асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас (19-модда).

6. Давлат органларига сайлов умумий, тенг, тўғридан-тўғри, сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. 18 ёшга тўлган фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Конституциянинг 117-моддасига биноан фуқаролар Президент сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадир. Ҳар бир фуқаро ўз хоҳиш-иродасини билдиришда тенг ва эркин қонун билан кафолатланади.

Давлат суверенитети ҳар қандай давлатнинг муҳим белгисидир. Бу — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-бобида белгилаб берилган. Суверенитет французча сўз бўлиб, ўзбекчада давлат ҳокимиятининг мустақиллиги демакдир. Ҳар бир давлат ўзининг ички ва ташқи вазифаларини халқаро ҳуқуқ нормалари асосида мустақил амалга оширади. Шу давлат ҳудудида миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, яъни чет давлатларнинг аралашувисиз белгилаш ҳуқуқи мустақилликнинг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон ҳудудида яшовчи фуқаролар давлат ва жамоат ишларида тенг ҳуқуқ асосида қатнашади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Мустақил Ўзбекистон давлатининг олий мақсади — барча халқнинг моддий-маданий аҳволини яхшилаш, бозор сиёсатига ўтиб, мулкнинг кўп шакллилик асосида иқтисодни яхшилаш, тинчликни мустаҳкамлаш, турли ижтимоий системага кирувчи давлатлар билан тинч-тотув яшашдан иборат. Хўжалик-ташкилотчилик, маданий-тарбиявий, турли мулк шаклларини қўриқлаш ва мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, меҳнат меъёри билан истеъмол ўлчовини назорат қилиш, аҳолига ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш, табиатни қўриқлаш, табиий муҳитдан оқилона фойдаланиш, кишилар ўртасида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва давлатни идора этишда халқ оммасининг иштироки — ошкоралик принципи Ўзбекистон Республикасининг ички функциялари сирасига киради.

Ҳозирги шароитда давлат мустақиллиги принципи халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим масаласидир. Чунки жаҳондаги барча давлатлар ўртасидаги муносабатлар тенг ҳуқуқли, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, бошқа давлатларга ҳужум қилмаслик, уларнинг бутунлигига дахл қилмаслик, иқтисодий ва миллий мустақиллигини ҳурмат қилиш ташкил этади.

Давлат мустақиллиги эса БМТ дастурида, бошқа халқаро ҳужжатлар ва ҳар бир давлатнинг Конституциясида белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг сиёсий, иқтисодий ва халқаро кафолатлари мавжуд. Сиёсий мустақиллик шундан иборатки, унда давлат ҳокимияти тегишли сиёсий ҳуқуқий шаклларда амалга оширилади. Бунда давлат жамиятда ҳуқуқ-тартиботни ўрнатилиши, унга барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар оғишмай амал қилиши шарт.

Давлатимиз мустақиллигининг иқтисодий кафолати жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий асослари билан белгиланади. Конституциянинг 53-моддасига биноан Ўзбекистон иқтисодининг негизини турли шакллардаги мулк ва ижтимоий бозор хўжалиги ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудидаги барча моддий ва маданий бойликларга эга. Улардан фойдаланиш ҳуқуқи — давлатники. Ер, ер усти ва ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойлик бўлиб, давлат муҳофазасидадир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг яна энг муҳим белгиси давлат тилининг мавжудлиги. Тил ҳар бир миллатнинг улкан бойлиги ҳисобланади. Миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, ҳар бир миллатнинг равнақи учун миллий тиллар ривожланиши керак.

Конституциянинг 4-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир шахс давлат идоралари ва жамоат бирлашмаларига ўзбек тилида ариза билан мурожаат этиши ва жавоб олиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг давлат идораларида ишловчи ходимлар давлат тилини билишлари керак. Барча корхоналар, муассаса ва ташкилотлар, идора ва бирлашмаларда иш ўзбек тилида юритилади. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимият, ижро этувчи ва бошқа органлари ишида қурултой, пленум, мажлис ва бошқа йиғинлар давлат тилида олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда ўтказиладиган халқаро симпозиумлар, конференциялар, кенгаш ва мажлислар ўзбек тилида ва мажлис аҳли танлаган тилда олиб борилади. Хорижий давлатлар билан амалга ошириладиган ишлар иккала томон учун қулай бўлган тилда олиб борилади.

Давлат ҳудуди ва чегараси Конституциянинг 3-моддасида белгиланганидек, дахлсиз ва бўлинмас бўлиб, халқнинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Давлат ҳудуди илмий асосланган ҳолда маълум қисмларга бўлиниб, маҳаллий, олий ҳокимият ва бошқа маҳаллий органлар тизими тузилишини ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан иборат. Буларнинг ҳар бири алоҳида олганда Ўзбекистон маъмурий-ҳудудий бўлинишини ташкил қилади.

Янги Конституциянинг 21-моддасига асосан Ўзбекистоннинг барча ҳудудига ягона фуқаролик ўрнатди. Жинси, тили, миллати, дини, элати, ижтимоий мавқеи, эътиқодидан қатъий назар бир хил фуқаролик ҳуқуқларига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди. Ўзбекистон фуқаролари чет элларда Ўзбекистон давлати ҳимоясида бўлади. Хотинқизлар эркаклар билан тенг ҳуқуққа эгадир.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади.

Республиканинг олий давлат вакиллик органи —Олий Мажлис бўлиб, у қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. У ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиялилик асосида беш йил муддатга сайланадиган 150 нафар депутатдан иборат. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунигача 25 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари эгадирлар.

Ўзбекистон Республикасида одил судловни суд ҳокимияти амалга оширади. Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш олиб боради.

Ўзбекистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди ва хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган вилоятлар, судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва хўжалик судларидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суднинг вазифасига қуйидагилар киради: қонунларнинг ва Олий Мажлис қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Президент Фармонларининг; ҳукумат қарорларининг, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномаларнинг ва бошқа мажбуриятларнинг Конституцияга мослигини аниқлайди. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги ва қонунлар нормаларига шарҳ беради ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди — фуқаролик, жиноий ва маъмурий-судлов ишларини юргизиш бўйича суд ҳокимиятининг Олий органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек тадбиркорлик ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган низоларни кўради.

Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар ҳамда судьяларда ишлар очиқ кўрилади. Судьяларнинг одил судловни амалга оширишда ҳеч кимнинг аралашишига йўл қўйилмайди. Олий суд ва Олий хўжалик суди раислари ва аъзолари Олий Мажлиснинг депутати бўла олмайдилар. Бошқа судьялар, шу жумладан туман судьялари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва ҳақ тўланадиган бошқа бирон ишда ишлаши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг Янги Конституцияси ижтимоий адолатли, инсонпарвар ҳуқуқий давлат қуриш асосларини қонуний мустаҳкамлади.

Қурбонали ХОЛМЎМИНОВ,
Тошкент Давлат юридик институтининг давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедраси доценти.

Орол муаммоси жаҳон жамоатчилиги эътиборида

ЎЗБЕКИСТОН «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамғармаси ҳамда Жаҳон иқтисоди ва дипломатияси университети ҳамкорлигида Марказий Осиёда экологик хавфсизлик муаммоларига бағишланган халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

Анжуманда жумҳурият вазирликлари раҳбарлари, «ЭКОСАН»нинг илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, БМТ экспертлари, олимлар, шунингдек кўпгина давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари иштирок этдилар.

«ЭКОСАН» Халқаро жамғармаси раиси Ю. Шодиметов анжуманни очар экан, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессиясидаги маърузасида кўтарилган экологик муаммолар ва Орол денгизининг қуриб бориши билан боғлиқ халқаро муносабатларга йиғилиш қатнашчилари эътиборини қаратди.

Анжуманда Марказий Осиё экологик муаммолари тизими ечимининг умумий йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш, минтақа аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш ва уларни ижтимоий-экологик ҳимоялаш, ягона экологик хавфсизлик тизимини яратиш борасида қизғин мунозаралар бўлди. «Экосан» вице-президенти, республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси А. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти И. Искандаров, Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси академиги Н. Ҳамроев, шу академия мухбир аъзоси, профессор Р. Ҳусанов, «Экосан» жамғармаси бош директори М. Раҳимов муҳокама этилаётган масалалар ечими хусусида ўз илмий қарашлари ва концепцияларини баён этдилар.


— Бирлашган Миллатлар Ташкилотида, — деди БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик, — минтақадаги барқарорлик ва тинчликни сақлаш учун кураш хусусида аниқ ижобий фикр шаклланди. Президентингиз Ислом Каримов бу йўлда катта ишларни амалга оширди. Эндиликда у минтақа экологик ҳолатини қутқариш ишларига ҳам қатъий киришганлигини кўрсатди. У асосий муаммо — Орол денгизи муаммоси ҳақида оламга ўз вақтида хитоб қилди.

Жаҳон Банкининг Ўзбекистондаги вакили Томас Девис ҳам ўз ташкилоти минтақа экологик ҳолатига катта аҳамият бераётганлигини таъкидлади.

Хорижий давлатлар элчихоналари вакиллари ва олимлар анжуман олдига қўйилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Яқин келажакда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки билан «ЭКОСАН» Халқаро жамғармаси ҳамкорликда яхлит экологик дастур ишлаб чиқиш хусусида келишиб олдилар.

М. НАЗАРОВ.
«Экосан» жамғармаси матбуот котиби.



Тежоғли иш—бежоғли

Интилиш, изланиш бор жойда, албатта, муваффақият бўлади. Буни Тошкентдаги «Орзу» чарм-атторлик ва спорт буюмлари бирлашмаси фаолиятида яққол кўриш мумкин.

Бирлашмада мавжуд машина-механизмлардан унумли фойдаланиш, уларни асраб авайлаш, умрини узайтириш ишига алоҳида эътибор берилаётир. Хориждан ва Ҳамдўстлик давлатларидан келтирилган техникалар бесабаб тўхтаб қолмаяпти.

Айниқса, бу ерда тежамкорлик ҳар бир жамоа аҳлининг шиорига айланган.

Эришилаётган ютуқларда корхона нурчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Улар ҳозир танқис бўлган энергиядан тежаб-тергаб фойдаланишга муваффақ бўлишмоқда.

СУРАТДА: илғор нурчилардан (чапдан ўнгга) Карим Каримов, Ҳусан Абдуллаев, Маҳмуд Орипов ва Ғофир Абдурасуловлар ўзаро мулоқотда.

АбдусаттарТЎРАЕВ олган сурат.

янгиликлар Воқеалар хабарлар

„Биз ким, мулки Турон..."

ИККИ ВИЛОЯТ ҲАМКОРЛИГИ

● **ДУШАНБЕ. Тожикистоннинг Тоғли-Бадахшон автоном вилояти ва Қирғизистоннинг Ўш вилояти вакиллари ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар.**

Ана шу вилоятларда доимий ваколатхоналар очилади. Шартномада иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган. Тожикистонда қирғиз тилида матбуот нашрини чиқариш режаси ҳам бор.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА АНЖУМАН

● **БИШКЕК. Республика пойтахтида келгуси ойнинг дастлабки кунларида инсон ҳуқуқлари бўйича йирик анжуман ўтказилиши кўзда тутилмоқда.**

Бу йиғинга яқин хорижий эллардан ва айни пайтда Қирғизистон Республикасидаги хорижий дипломатлар, сиёсий партияларнинг вакиллари, жамоат ташкилотлари, давлат органлари намояндалари таклиф этилган.

ТУРКМАНБОШИ ХАТОНИ ТУЗАТМОҚДА

● **АШГАБАТ. Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов «туркман қишлоқ хўжалиги — саноат сервизи» давлат корпорацияси тўғрисида илгари қабул қилган қарорини бекор қилди.**

Аввалги қарорга кўра, бу корпорация йилловларни бунёд этиш ва суғориш ишларини ўз зиммасига олмоғи керак эди. Эндиликда бу вазифани қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ўзи бажармоқда.

АЭРОПОРТ 98 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА ҚУРИЛАДИ

● **АШГАБАТ. Фуқаролар авиацияси миллий бошқармаси, Англиянинг «Жон Лайн» ва Туркиянинг «Аларко» ҳамда Американинг «Локхид» компаниялари шартнома имзоладилар.**

Бу шартномага кўра Ашгабат аэропортининг учиш ва қўниш майдони қурилади ва бунга 98 миллион доллар пул сарфланиши кўзда тутилган.

ЯПОНИЯ ҚИРҒИЗИСТОНГА ЁРДАМ БЕРАДИ

● **БИШКЕК. Япония мустақил республикалардаги иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кўрсатиладиган техник ёрдам доирасида 6,5 миллиард йен ажратди.**

Япониянинг Қирғизистондаги элчиси С. Эдамура Москвада Қирғизистоннинг Россиядаги элчиси А. Нанаев билан учрашди ва улар ишонч ёрлиқларини айирбошладилар. Қарзни Японияннг чет эл давлатларига иқтисодий ёрдам фонди ажратган ва бу қарз 10 йил муддатга 3 фоиз фойдаси билан берилади. Қарз бериш ҳақидаги қарор А. Акаевнинг Японияга қилган сафаридан кейин қабул қилинган. Бу Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш тажрибасида қўйилган биринчи қадамдир.

МАНАТ ҚИММАТИ НИМАГА ТЕНГ?

● **АШГАБАТ. АҚШ Давлат департаменти Туркманистон раҳбарлигининг миллий валютани муомалага киритиш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватлади ва Халқаро Валюта Фонди ва Туркманистон ўртасида ёш иқтисодиётни бир маромда йўлга қўйишни амалга ошириш борасидаги конструктив мулоқот давом этишига ишонч билдирди.**

Давлат департаменти ўзининг ишончларини Ниёзовнинг хусусийлаштириш борасида берган ваъдалари билан боғламоқда.

13 ноябрдан бошлаб манатга нисбатан хорижий пулларнинг расмий қиймати амал қилмоқда. АҚШ 1 доллари — 1,97 манат, 1 иена — 0,01, 1 фунт стерлинг — 2,93 манат ва 1 манат 593 рублга тенг келмоқда.

ТУРКМАНИСТОНДА ДИПЛОМ ҚАНЧА ТУРАДИ

АШГАБАТ. Туркманистон Президенти мамлакатда хорижий фуқароларни ўқитиш тўғрисидаги қоидаларни имзолади.

Янги ҳужжатга биноан мамлакат ўқув юртларининг эшиклари яқин ва узоқ хорижий эллардан келган барча хоҳловчилар учун очиқ. Ана шу ҳужжатнинг энг қизиқарли томони ҳам бор. Медицина институти, Давлат университети ва тил ва адабиёт педагогика институтида билим эгаллаш қиммат туради. Бу ўқув юртлари учун йилига АҚШ долларида 3,5 минг тўлаш керак. Консерватория эса йилига 2,5 минг доллар олади. Республиканинг қолган бошқа олий ўқув юртларида ўқиш талабаларга икки минг, билим юртларида эса бир ярим минг долларга тушади. Ҳамдўстлик мамлакатларидан келган талабаларга имтиёз яратилган. Улар қайси олий ўқув юрти эканлигидан қатъий назар бутун ўқиш даври учун яшил пулдан 3 минг кам тўлайдилар.

ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ПАСАЙМОҚДА

БИШКЕК. Кейинги пайтларда Қирғизистонда одамларнинг турмуш даражаси икки марта пасайиб кетди.

ҚОЧОҚЛАР ВАТАНИГА ҚАЙТАДИ

ДУШАНБЕ. РАТА—ТАСС мухбирининг хабар беришича, Афғонистон вилояти губернатори Қ. Раҳматулло Тожикистон республикаси вакиллари билан учрашувда тожик қочоқларни ватанига қайтаришни жадаллаштириш учун ҳамма чора-тадбирларни кўришга тайёр эканлигини айтди.

У ҳозирги вазиятни ҳар икки мамлакат тарихидаги фожиали саҳифалар, деб баҳолади. Учрашувда афғонистонликлар Тожикистоннинг қўшни Хатлон вилояти билан савдо ва иқтисодий ҳамкорликни қайта тиклаш масаласига алоҳида қизиқиш билан қарагани таъкидланди.

(Марказий Осиё давлатлари ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

янгиликлар Воқеалар хабарлар

• *Иброҳим Мўминов таваллудининг 85 йиллигига*

МАКТАБ ЯРАТГАН ОЛИМ



Ер куррасида Ҳазрати Инсоннинг дунёга келган ва унинг илк маданий-маънавий дунёсининг шаклланган муқаддас даргоҳларидан бири саналган кўҳна Турон заминида мўътадил қарор топаётган улуғ ва қутлуғ истиқлол туфайли «қадимийликда мисрликлар билан баҳслашади»ган халқимизнинг миллион йиллик тарихи, узоқ ва яқин ўтмишлардаги буюк ва мўътабар зотлари, уламо ва алламо мутафаккирлари, асл фидоий фарзандлари ёдга солинмоқда, уларнинг муқаддас хотиралари тикланмоқда, муборак таваллуд саналари нишонланмоқда.

Шу кунларда мустақил жумҳуриятимиз аҳли кекса авлодимизнинг фидоий вакилларидан бири, ўзининг бутун онгли ҳаётий фаолиятини халқимизнинг тарихий хотирасини тиклаш ва ўзлигини англатишдек муқаддас ишга бахш этган файласуф — олим ва устоз-мураббий Иброҳим Мўминов таваллудининг 85 йиллигини нишонламоқдалар.

Иброҳим Мўминов мансуб бўлган бизнинг кекса авлодимизнинг ҳаёт фаолияти шундай бир оғир ва мураккаб сиёсий вазият шароитида кечдики, бундай даврда ҳақиқий инсон ва ҳаққоний олим номига содиқ қолиш—жондан кечиш даражасидаги фидойиликни тақозо этарди. Халқ ва миллатни оломонга, маънавий шахсни манқуртга айлантиришга қаратилган мудҳиш мустамлакачилик сиёсати қурбонларининг энг ўткир тиғлари халқимизнинг тарихий хотирали ва эзгу ниятли асл фарзандларининг пок ва мусаффо қалбларига санчилди.

Таниқли олим ўтмиш аждодларимизнинг улуғ инсоний хислатларини, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларини, удум ва анъаналарини яхши билган, уларни ўзида мужассам этган, бу нодир ва ноёб инсоний хислатларни ўз шогирдларига

ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИ

сингдиришга интилган шарқона устозлар тоифасига мансуб мўътабар инсон эди. У киши учун инсон қадр-қимматининг, обрў-эътиборининг мезони молу-дунё ёки мансаб лавозим эмас, балки шарқона тафаккур тамойилига хос инсонийлик, яъни маънавий-ахлоқий камолот саналган. Бу мўътабар зот туб маънодаги ҳақиқий халқ зиёлиларининг инсоният ҳаётида тутган ўрни ва ролини, уларнинг маданий-маънавий яратувчилик мавқеини чуқур ҳис этган, бундай ҳаққоний зиёлилар мавқеини менсимаслик, уларга паст назар билан қараш ва уларни орқа ўринларга суриб қўйиш — жамиятнинг ҳам моддий, ҳам маънавий қашшоқлашувига олиб келишидек ҳаётий ҳақиқатни чуқур англаган. Шу боис алламо ўз олдига халқимизнинг тарихий хотирасини тиклай оладиган, унинг ўзлигини англата оладиган, шаън ва ғурурини, ор ва номусини ҳимоя қила оладиган, уни халқ ва миллат сифатида дунёга танита оладиган юксак маънавиятли зиёлилар авлодини тарбиялаб ўстиришни мақсад қилиб қўйган эди.

Ў кишининг қаламига мансуб бўлган «Темур тузуклари»нинг факсимил нашрига доир, «Али Қушчининг бир рисоласи ҳақида», «Кушон масаласи бўйича халқаро конференцияга», «Ўзбекистонда табиатшунослик тарихи соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг якуни ва вазифалари», «Хоразмлик буюк қомусий олим» каби қатор рисола ва мақолалари, нутқ ва маърузаларининг матнлари, шунингдек, зардўштийлик ва «Авесто», калом ва сўфизм фалсафалари ҳақидаги, ахтаршунослик ва юлдузшунослик каби Қадимги Шарқ илмлари ҳақидаги, сарбадорлар ва жадидчилик ҳаракатлари ҳамда уларнинг моҳияти ҳақидаги ва бошқа қатор ижтимоий-фалсафий, табиий-илмий, маънавий-ахлоқий, руҳшунослик ва нафосат илмларига оид тадқиқотлари ўзининг бутун борлиғини халқ ва Ватан истиқболи учун бахш этган жасур ва ҳаққоний олим сиймосини намоён қилади.

Мўминовнинг илмий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти ярим асрга яқин даврни ўз ичига олади. Бу вақт давомида у кишининг маълум тадрижий йўлни ўтаганлиги табиийдир. Бу борада Мирза Бедилнинг «Менинг шеърларимдаги бекорчи гаплар учун мени айблама, инсон тани назмида тирноқ ва жунларга ўхшаш беҳис унсурлар борлиғини эсда тут!» деган нақлий сўзи ғоят ўринлидир. Мен ўз замондошимнинг Иброҳим Мўминов ижодига ҳам ана шу шарқона тафаккур тамойили асосида ёндашишини истардим.

Тафаккур шуълаларини кўз билан кўриб бўлмайди, уларни қалб билан англаш лозим, дейдилар. Биз қуйида шарқона файласуф олим Иброҳим Мўминов асарларидан олинган айрим парчаларни эътиборингизга ҳавола этамиз. Бу дурдона сатрларни ўқир экансиз улуғ олим гўё бугунги ҳаётимиздан руҳ олиб қалам тебратганми, деган ўйга борасиз. У кишининг руҳлари доимо шод бўлсин ва ҳозирги истиқлол фидоийларининг саъй-ҳаракатларига мададкор бўлсин!

Шерали АШУР ўғли,
Ўзбекистон Республикаси ФА фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий ходими.



Пойтахтимизнинг Форобий қабристонида юртимизнинг улуғ фарзандлари мангу уйқуга чўмганлар. Ўзбек фанининг ривожи учун улкан хизмати сингган Иброҳим Мўминовнинг ҳам сўнгги манзили шу ерда жойлашган. Бу табаррук инсон қабри устидаги ҳайкал унинг номи ва иши ўчмаслигини ифодалаб тургандай.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

А Л Л О М А

Тарих диалектикаси Шарқ, Осиё, Африка мамлакатларининг Ғарбий Европа мамлакатлари илм-фан, фалсафий тафаккури ривожланишига ҳамда Ғарбий Европа мамлакатларининг Шарқ мамлакатлари маданий ўсишига таъсири қонуниятини намойиш этади. Яна Шарқ мамлакатлари ўрта аср, уйғониш даври шароитида Ғарбга, Европа мамлакатларининг цивилизация ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг ўзаро таъсири, ҳамкорлиги ижтимоий-тарихий жараённинг диалектикасидир. Мана шу олийжаноб ижтимоий жараёнда араб, сурён, юнон, ҳинд халқлари билан бир қаторда Ўрта Осиё халқлари ҳам муҳим роль ўйнаганликлари ҳақида сўзлашлик қанчалик мароқли бўлса, шунчалик ҳақконийдир.

* * *

Ўрта Осиё халқлари маданиятининг машҳур арбоблари баён қилган фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашларни ўрганиш Ҳиндистон, Эрон, Араб мамлакатлари тарихи ҳақида бой материаллар беради ва ўтмишда бу мамлакатлар халқларининг маданиятлари ўртасидаги ўзаро боғланишни ҳамда бир-бирига таъсир этганлигини кўрсатади. Шу билан бирга уларнинг дунёқарашларини ўрганиш натижасида маданий ёдгорликларга космополитик ва нигилистик муносабатда бўлишлар бутунлай рад этилади ва бу ёдгорликларни идеаллаштиришга ҳам барҳам берилади, шу билан бирга, Ўрта Осиё халқларининг маданияти нодир ва ўзига хос мустақил маданият эканлиги исботланади.

* * *

Сўфизм — мураккаб фалсафий оқимдир. У жуда хилма-хил шаклларга, мазмунга ва оқимларга эга. Сўфизмнинг оқимлари Мовароуннаҳрда фалсафий фикрларнинг ривожланишига таъсир кўрсатди. Бироқ сўфизм бу ерда ўзига хос характер ва хусусиятга эга бўлдики, буларни эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Мазкур муаммо устида махсус илмий иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

* * *

Аҳмад Яссавий мактабининг дунёқараши «Ҳикмат» номли машҳур асарда шеърий шаклда баён этилган. Бу фалсафий асар равон, китобхон учун осон бўлган ўзбек тилида ёзилган. «Ҳикмат» ўзбек адабиётининг қимматбаҳо ёдгорлигидир ва унинг муаллифи ислом динини, калом фалсафасини, сўфизмни, деққонлар, чорвадорлар, ҳунармандларнинг турмуш ва ҳаётини ҳамда умуман ўша даврнинг ижтимоий тартибларини яхши билган машҳур киши бўлганлигидан гувоҳлик беради.

* * *

Санъатдаги чин гўзаллик ҳеч қачон эскирмайди, янги шароитда у янгича оҳанг касб этади, кишилар ҳиссиёти ва онгида ижодий фикр уйғотади. Кишиларга эстетик завқ бағишлайди, уларни халқлар ўртасида ҳамкорлик, дўстлик ва тинчлик барқарорлиги учун унумли меҳнатга ундайди.

* * *

Фольклор асарлари ҳозирча асосан адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганиб келинмоқда. Энди уларнинг фалсафий нуқтаи назардан киши тафаккурининг ривожланиши кўламидан ҳам илмий текширишни бошлаш керак. Халқ бадиий ижодидаги этнографик хусусиятларни, тил бойлигини, шеъриятдаги услуби, методини махсус ўрганиш навбати келди.

* * *

Бизнинг фикримизча, ахтаршунос-юлдузшунос астролог эмас... Самода юлдузларнинг жойлашишини яхши билган ахтаршунос-юлдузшунос қутб юлдузи— Темир қозиққа қараб муайян жой кординатларини — шимолни, жанубни, шарқни, ғарбни осонгина аниқлай олган; Етти қароқчи юлдузларига, Соҳар бир мулоҳаза адолат тарозусига қўйилди. Кенг қувваи ҳофизага эга олим қалбининг нозик чиғириғидан ўтказилди. Ўз халқи учун, ўша даврда адолат тантаси учун курашган Амир Темур фаолияти билан чуқурроқ танишув бу тарихий сиймонинг янги-янги қирраларини очарди. Нафақат Темурнинг ҳайрихоҳлари, балки уни жиндан баттар ёмон кўрган муаррихлар рисолалари ҳам Иброҳим Мўминовнинг назаридан четда қолмади. Маълум бўлишича, Темур фақат ўз юртини ўйламаган, ўзга мамлакатларда ҳам адолат ўрнатиш, инсоф ва диёнатнинг устунлигини таъминлаш учун курашган. Шарофиддин Али Яздийдай буюк тарихчи Амир Темурни турк давлатининг қудратли қуёши, буюк бахт юлдузининг эгаси, улуғвор шоҳ деб атабди.

Қаранг, биз шундай буюк аждодимизни четга суриб қўйган эканмиз. Ахир ўзлигимизни англамаслик — нодонлик эмасми? Наҳот шундай тарихий шахс ўз баҳосини олмай, ўтмиш қаърига сингиб кетаверса!! Академикнинг шуурини шундай туйғулар қоплаб борарди. Шу боис олтин сатрлар ҳам қуюлиб келаверди.

«...Бундай шахснинг юзага келиши, — деб ёзди Иброҳим Мўминов, — даврнинг, замоннинг тақозоси, Чиғатой улусининг зулми, майда феодал бекларининг ваҳшиёна эзиши, мўғул хонлари, Олтин Ўрда бекларининг Мовароуннаҳрдаги тўхтовсиз босқинчилик юришлари азоблаган, хонавайрон бўлган, 150 йил давомида чет эл ҳукмронлигидан тинкаси қуриган мамлакатнинг, халқнинг мустақилликка эришиш талаби эди. (таъкид бизники — Ш. Ж.) **Бу тарихий зарурият Темурда, унинг лашкарбошиларида равшан кўринди. Темур давлат арбоби сифатида маълум даражада бу эҳтиёжни, талабни, зарурятни ўзида акс эттирди, яъни Мовароуннаҳрда мустақил марказий бирлашган давлат тузди,** мамлакат эҳтиёжларига жавоб берди. Мулкдор синфлар йирик заминдорлар, савдогарлар, карвонсарой эгалари ҳамда маълум маънода ва маълум даражада умуман аҳоли талабларига пешвоз чиқиб, мамлакатнинг кўп жойларида қурилишлар қилдирди, **камида юз йигирма йил давомида нисбий осойишталик ўрнатди.** Бу, шубҳасиз, мамлакатда экономика, маданият, фан, адабиёт ва санъатнинг ўсишида муҳим омил бўлди. Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги хизмати бизнингча, ана шулардан иборатдир».

Мустабид тузум исканжасида яшаб ана шундай дадил хулосалар қилиш учун фақат Иброҳим Мўминов бўлиш керак. Шу тарзда «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» деб аталган рисола туғилди.

Шундай дадил гапларни қоғозга туширишга бир жасорат бўлса, уни чоп этиш, элга ошкор қилиш бундан ҳам кўп шижоатни талаб қиларди. Иброҳим Мўминов Темур ҳақидаги рисола шунчаки китобча бўлмай, унинг тоши оғирлигини дилдан ҳис қиларди. Академиянинг вице-президенти учун «Фан» нашриёти орқали рисолани чиқариш унча катта муаммо эмас. Лекин муаллиф бу китобни ўз даражасига муносиб муҳокама қилишини, шундан сўнг муайян қарорга келинишини маъқул деб ҳисоблади. Аввалига рисолани академиянинг тарих ва адабиётшунослик бўлимида кўриб чиқмоқчи бўлдилар. Чуқурроқ мулоҳаза юритилгач, фикр ўзгарди: рисолани республика Фанлар академияси раёсатининг кенгайтирилган йиғилиши кўриб чиқсин. Токи кейинчалик бу ҳақда Ўзбекистоннинг мана-ман деган олимлари орқаваротдан эшитишмасин.

Йиғилиш белгиланган кунгача Иброҳим Мўминовнинг ҳар соати ҳаяжонда ўтди. Нима бўларкин? Бутун ўйлаган нияти чипакка чиқса-я? Йўғ-е, ҳар бир сўзи тарихий далиллар билан асосланган-ку! Кимдир шу дақиқаларда қўлёзма нусхасини қизил қалам билан бўяб ташлаётгандай туюларди.

* * *

Туркистон ўлкасида ҳам, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида ҳам шаҳарнинг ҳар бир маҳалласида, волостнинг ҳар бир қишлоғида мактаб бўларди. Бухоро ва Хивадаги мадрасаларни ҳисобга олмаганда ҳам 1900 йилда Туркистон ўлкасида 313 та мадрасада 7052 киши ўқирди.

* * *

Чоризм ишчилар ҳаракатини ва миллий озодлик ҳаракатини бостириб, мустамлака Туркистонда ўз ҳокимлигини мустаҳкамлаш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширди. Полиция режими, чор амалдорларининг маъмурий ур-йиқитлари беҳад кучайди, эски мактаблар устидан назорат қилишнинг янги усуллари жорий қилинди. Янги усул ва жадид мактаблари, матбуот ва ҳоказолар таъқиб этилди. Чоризм ўзининг империалистик манфаатларини кўриқлаш ва Ўрта Осиё халқларини янада миллий қулликда сақлаш ниятида патриархал-феодал муносабатларни сақлабгина қолмай, уни янада мустаҳкамлаш сиёсатини амалга оширди, Ўзбекистондаги ерларни муҳожир—муштумзўрлар томонидан эгаллаб олиш йўли билан Ўрта Осиёда мустамлакачилик системасининг янги усуллари қўлланди.

Ҳуқуқшунос олим Отабой Эшоновнинг айтган гапи ҳали ҳам эсимдан чиқмайди: «Э мени отса отворсин, барибир Иброҳим Мўминовни қўллаб-қувватлаб сўзга чиқаман».

Иброҳим аканинг шогирдларидан бири гап орасида: «Домла, китобингизнинг охирги бобидаги «Қурувчи ҳамда маданият қимматини баҳолаган Темурни Ўрта Осиё халқлари ҳурмат қилардилар», деган сўзни олиб ташласангиз тўғри бўлмасмикан?» деб қолди. Ҳаётда босиқ, вазмин бўлган Иброҳим аканинг жаҳли чиқиб кетди. «Ахир бу гаплар бўлмаса китобнинг нима кераги бор?» дея ҳалиги олимга дашном берди.

Ниҳоят 1968 йилнинг 5 майида Фанлар академияси раёсати тўпланди. Йиғилиш бошлангунча ҳадик ва чўчиш ҳаммани забт этганди. Мажлислар залига кирганларни котиба рўйхат қилиб ўтирар, баъзилар «мени рўйхатга ёзмай қўя қолинг» деб шипшиб қўйишарди. Ҳеч ким бир-бирига ҳазил-мутойиба қилмас, гўё ҳамма карахт эди. Академия президенти Обид Содиқов йиғилишни очди. Иброҳим Мўминов ўша мавзуда маъруза қилди. Кун тартибидаги масала бўйича 13 киши сўзга чиқди. Улар орасида туб миллатга мансуб бўлмаган Л. И. Ремпель, Б. В. Лунин, Г. А. Пугаченкова, О. Д. Чехович каби мутахассислар ҳам бор эди. Демак, ёзилмаган қоида нисбати ҳам таъминланди. Энг муҳими, ҳеч ким қарши фикр билдирмади. Рисолани китобча ҳолида чоп эттириш мақсадга мувофиқ, деган қарорга келишди. Фақат шундан кейингина мажлисга жон киргандай бўлди, залдагиларнинг кайфияти кўтарилди. Ҳаммаси хамирдан қил суғургандай силлиқ кечди.

Тўрт ойдан кейин рисола теришга топширилди, йиғирма кун ўтмай босишга рухсат этилди. Рисола атиги 8 минг нусхада чоп этилди. Эҳтимол, Иброҳим Мўминов илгари ёстиқдай-ёстиқдай монографиялар чиқарганда ҳам шу китобча чиққандай ҳаяжонланмагандир. Маданий ҳаётда катта воқеа деб баҳоланган бу китобчанинг харидори кўпайиб кетди. Академиядан, тарих институтидан рисолани сўраб-суриштириб гўё ноёб нарса топгандай олиб кетишарди.

Ҳаммаси ўз ўрнида бўлди. Хавотир беҳуда экан. Лекин Иброҳим Мўминовнинг кўнгли ниманидир сезарди. Ахир бу воқеага ҳали Москва муносабат билдирмади-ку! Бунча қарангки, марказдан ҳам олдин чанг чиқарувчилар ўзимизда топила қолди. Кўп ўтмай КПСС Марказий Комитетининг ҳам бўлими ўтказган йиғилишда Иброҳим Мўминовнинг «росаям пўстагини қоқишди». 1973 йилда «История СССР» журнали ҳужумни давом эттирди. Бунинг учун ўзимиздан чиққан мутахассисни ёллашди. 1974 йилнинг бошида «Вопросы истории» журналида ва «Литературная газета»да Темурнинг оқланишига қарши фикрлар ёзилди. Имзоли, имзосиз хатлар туша бошлади.

—Иброҳим Мўминовга қарши ҳужум қачонгача давом этди? —сўрайман Ҳамид Зиёевдан.


— 1974 йилнинг 22 июнида домла жон таслим қилдилар. Шундан кейин бу жанжаллар тинчиди...

Тўғри, бир алломанинг ўлими ўша муаммоларни кун тартибидан олгандир. Лекин Иброҳим Мўминовнинг вафотидан кейин ҳам унинг хизмати тез орада муносиб баҳосини олдими? Тарихнинг аччиқ киноясини қарангки, Иброҳим Мўминов Ўзбек Совет Энциклопедиясининг биринчи бош муҳаррири бўлсаю, шу қомуснинг 7-жилдида (1976 йил чоп этилган) И. Мўминов ҳақидаги мақолада олимнинг Амир Темур ҳақида нимадир ёзгани эслатилмаса-я?

Баъзи одамлар «Мустақил бўлиб нимага эришдик?» деган гапни айтиб қоладилар. Мен бекиёс ва оламшумул ғалабаларимиз қаторида Амир Темурга бўлган бугунги муносабатда мустақиллигимизни яққол кўраман. Иброҳим Мўминовлар қадрияти тўлалигича тикланганида мустақиллик аломатларини сезаман. Ўзбек фанининг соҳибқирони бўлган Иброҳим Мўминов вафотидан сал олдин «Ҳали шундай кунлар келади, Темурни ҳам кўкларга кўтариб, буюк сиймо сифатида қадрлайдилар» деган экан. Менга бу гап «Истиқлол муқаррар» дегандай эшитилади.

Шукроналар бўлсинким, бугун Амир Темур ҳам, Иброҳим Мўминов ҳам халқимизнинг эъзозида. Шундай кунларда буюк алломанинг жасорати олдида таъзим қиламиз.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси лауреати.



ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ЖАСОРАТИ

• *Иқтисод, ислоҳот, ижобат*

ЙЎҚДАН БОР ҚИЛИБ

Моддий оламнинг «Йўқдан бор бўлмайди, бордан йўқ бўлмайди», деган қонуни бор. Бироқ бу қонунни иқтисодиётга унча татбиқ этиб бўлмас экан. Иқтисодиёт нотўғри қурилган жойда бор нарсалар йўқ бўлиб кетиши, аксинча, йўқ нарсалар пайдо бўлиши мумкин экан.

Ўтган йилнинг кузида Аҳмаджон Бўронов директорлигини қабул қилиб олган Жиззах сут заводи жуда ночор аҳволда эди. Заводнинг ҳаёт-мамоти боғлиқ бўлган икки жой-қозонхона билан совутгич бўлими ярим қувват билан ишлар, жиддий таъмирлашга муҳтож эди.

Аҳмаджон ака бу корхонага бегона эмас. Ўн йил аввал ишлаб чиқариш орқага кетаётган бир пайтда заводни қабул қилиб олган ва икки йилда республиканинг шу соҳа корхоналари орасида пешқадамлар сафига олиб чиққан эди. Сўнгра бошқа ишга ўтди. Корхонада ишлар орқага кетавергач, беш йилдан сўнг яна қадрдон жамоасига қайтди.

— Тўғрисини айтсам, завод остонасига қадам қўйдиму бир пайтлар қилган меҳнатларимга ачиниб кетдим, — дейди у,— цехларни қўйинг, маъмурият биносининг ичига ҳам қараб бўлмасди. Ярим вайрона. Интизом бўшашиб кетган, моддий рағбат йўқлиги сабабли одамларда ишга қизиқиш йўқ...

Раҳбар ишни эски мутахассисларни излаб топишдан бошлади. Улар топилди ҳам. Қозонхона бир ой ичида тўла-тўкис таъмирланди. Совуқ берадиган компрессорхонада атиги иккитагина ускуна ишлаб турган экан. Уч ой ичида ҳамма ускуналар таъмирланди ва ишга тушди, уларнинг сони 11 тага етди. Кўнгилдагидек ишлаш учун бир қадар шароит вужудга келди.

Фақат Жиззах туманидан келган 11—12 тонна сутнигина қайта ишлаган, қолган 7 та тумандан келган маҳсулотни қаймоқ, чала пиширилган ёғ шаклида қабул қилган корхонанинг иши олға силжиди. Майда қадоқлаш йўлга қўйилди. 250, 200, 80 граммлик миқдорда чиройли қоғозларга ўралган сариёғлар, пишлоқлар, сузмалар яна дўконлар пештахтасида пайдо бўлди. Қаймоқлар ҳар хил идишларда, тайёр ҳолда харидорларга тақдим этилди. Кунига 85 тонна сут қабул қилиниб, шундан 40 тонна сут маҳсулоти Жиззах ва Тошкент шаҳри аҳолисига сотила бошланди.

Ишлаб чиқариш йўлга қўйилгандан сўнг руҳан тетиклашган, иқтисодий жиҳатдан қаддини тиклай бошлаган жамоа эндиликда янгича ишлаш, корхонанинг шаънини кўтариш чораларини излай бошлади. Корхона жамоаси ўз имкониятларини чамалаб, маҳсулотлар турини кўпайтиришга аҳд қилди.

Ўтган йилнинг кузидаёқ корхонанинг икки янги маҳсулоти эл дастурхонини безади. Уларнинг бири колбаса шаклидаги пишлоқ бўлса, иккинчиси дудланган пишлоқ эди. Одатда чиқитга чиқариб, оқизиб юбориладиган ёки фермаларга жўнатилган зардобдан тайёрланган хуштаъм дудланган пишлоқлар корхонанинг янги йил совғаси бўлди. Муваффақият жамоа мутахассисларини кўпроқ изланишга ундади. Улар янги-янги маҳсулотлар турларини ишлаб чиқариш йўлларини тавсия этдилар. Ишчиларнинг ҳам янгиликка иштиёқи баланд экан. Тез кунда пишлоқнинг янги турларидан ва осетин пишлоқлари харидорлар қўлига тегди. Баҳор пайтида эса катта-ю кичик корхонанинг мазали музқаймоғидан баҳраманд бўлди.

Ўзбекистон вакиллари юртбошимиз Ислом Каримов бошчилигида Голландияда меҳмон бўлганларида корхонада жаҳонга машҳур — голланд пишлоғи ишлаб чиқариш фикри туғилди. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун шароит бор. Фақат, голланд пишлоғининг ўзига хос хусусияти шундаки, у бошқа турдаги пишлоқларга ўхшаб, тайёр ланган куниёқ сотувга чиқарилмайди, 60 кун давомида махсус хоналарда вақти-вақти билан тозаланиб, шамоллатиб, қотириб олинади. Шунинг учун узоқ муддат бузилмай туради. Жамоа бу янгиликни ҳам бўйнига олди.

Янги маҳсулот биринчи бор — мустақиллик байрамининг икки йиллигига совға қилинди. Сифат ва таъми жиҳатдан хорижий турдошидан фарқ қилмайдиган неъмат дастурхонларни безади. Ҳатто меҳмонлар орасида уни татиб кўриб: «Голландияликлар картошка беришувди, пишлоғини ҳам жўнатишипти-да» — деганлар ҳам бўлди. Ҳозир корхонада кунига ўрта ҳисобда 4—4,5 тонна пишлоқ тайёрланаётир. Шундан 500 килограмми голланд пишлоғи.

Бу ерда маҳсулотларнинг жами тури 18 тага етказилди. Сут, қатиқ, айрон, ёғ, сузма ва бошқа неъматларнинг ҳар хил турлари бор. Жамоа айни пайтда янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш олдида турибди. Чиқит—зардобдан спирт ажратиб олиш тадоригини кўрилмоқда. Чунки, кунига 3—4 тонна зардоб арзон нархда сотиляпти. Ҳолбуки, 10 тоннадан 100—120 литр спирт олиш мумкин экан. Бу биринчидан, идишларни, ускуналарни тозалашда ишлатиладиган спиртни сотиб олиш ташвишидан халос қилса, иккинчидан, бошқаларга ҳам қимматбаҳо маҳсулотни сотиб, фойда олиш имконини беради.

Янги йилгача қуюлтирилган сут ҳам эл дастурхонига тақдим қилинади. Ҳозир ускуналари ўрнатиляпти, тўлиқ ишга тушгач, кунига 200 килограмм қуюлтирилган сут ишлаб чиқарилади.

— Корхонамизни акционерлик жамиятига айлантирдик, — дейди Аҳмаджон ака, — қўлимизни тутиб турган кўпгина тўсиқлардан қутилдик. Иқтисодий эркинликка эришдик. Лекин бу эркинликнинг имтиёзига яраша масъулияти ҳам бор. Қатъий ҳисоб-китоб билан ишлашга тўғри келади. Тийинни сўм қилиш пайига тушиб қолдик. Ҳар соҳада тежамкорликни ўйлаймиз. Илгари иш коржомалари —оқ халатларни тахлам-тахлам сотиб олаверардик. Эндиликда қиммат бўлиб кетгани учун ўзимизда цех очдик. Ҳар куни 14—16 тадан халат тикилади. Бринза солишда ишлатиладиган елим халтачаларни ҳам 70 сўмдан сотиб олмасдан, ўзимиз ишлаб чиқаряпмиз. 30 сўмга тушяпти. Ғишт қуядиган цехимиз бор, ўз эҳтиёжимиздан ортганини ишчиларга арзон нархда бераяпмиз

Корхона ишчилари иқтисодий фойданинг орқасидан қувиб, инсофни унутганлари йўқ. Шаҳарда корхонанинг дўкони ишлаб турибди. Бу дўконларнинг афзал томони шундаки, сут ва ёғ маҳсулотлари бошқа савдо шоҳобчаларига қараганда 20 фоиз арзонга сотилади. Шундай дўконлар сонини яна 2 тага кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Заводнинг қаршисида шинам, замонавий савдо дўкони ҳам қисқа муддатда қуриб, ишга туширилди. Ёнида чойхона ишлаяпти. Ишчилар ошхонасининг таомлари арзон, мазали. Новвойхона одамларни иссиқ нон билан узлуксиз таъминлаяпти.

Ишчилар эл қатори пахтакорларга ёрдамга чиққан кунларда ҳам корхона ошхонасидан бепул иссиқ овқат тайёрланиб, далага элтиб берилди.

Корхонанинг йил бошидан буён кўрган фойдаси 60 миллион сўмга етди. Бу эса хайр-саховат ишларига ҳам кенг имкон бермоқда. Қутлуғ кунлар муносабати билан завод фахрийлари йўқланди. Улар шарофатига ош тортилиб, совға-саломлар берилди. Шаҳарнинг Қалия ва Ғалаба маҳаллаларидаги ночор оилаларга ҳам иқтисодий мадад берилаётир. 2 та болалар боғчасига моддий кўмак берилди. «Сўғдиёна» фирмаси хайрли тадбир ўтказиб, 50 нафар боқувчисиз ва иқтисодий ночор оилалар фарзандларининг суннат тўйларини ўтказган эди. Шу хилдаги савоб ишлар анчагина.

— Энг катта ташвишимиз — заводга электр тармоғини тортишдан қутилдик,— дейди бош муҳандис Исҳоқ Эшонқулов, — яқинда 5 километрга юқори кучланишли сим тортиб уладик. Ёрдамчи хўжалигимиз ҳисобидан ишчиларимизни қишлик озиқ-овқат билан таъминлаганмиз. Энди асосий вазифамиз битта — мустақил республикамизнинг келажаги йўлида ҳормай-толмай тер тўкишдан иборат.

Тўғри, ҳали муаммолар кўп. Корхонанинг омади шундаки, ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг хом ашёси ўзимизда муҳайё, қийинчилиги шундаки, асбоб-ускуналари-ю жиҳозлари бу юртда топилмайди. Бири Россияда, бири Украинада, бири Белоруссияда. Завод жамоанинг ўз мулкига айлантирилиши бу муаммоларни ижобий ҳал этишда қўл келиши, оқибатда, корхонанинг иқтисодий жиҳатдан юксалиши шубҳасиздир.

Баҳтиёр РИЗАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Ўзбек-Эрон муносабатлари*

СОЛНОМАМИЗДА ЯНГИ САҲИФАЛАР ОЧИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришгач, жаҳон ҳамжамиятига қандай қилиб кириш, ундан ўзига муносиб ўрин эгаллаш вазифаси пайдо бўлганди. Жаҳонда юзлаб мамлакатлар мавжуд. Биз, энг аввало, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қила оладиган давлатларни аниқ белгилаб олишимиз керак эди. Шу ўринда биз Осиё мамлакатларидан бири Эрон Ислом Республикаси билан савдо-иқтисодий алоқаларимизга тўхталиб ўтмоқчимиз. Ўзбекистон билан Эрон халқлари бир-бирлари билан қадим-қадимдан тарихий ва маданий жабҳаларда узлуксиз алоқа қилиб келадилар.

Президентимиз И. А. Каримовнинг 1992 йил ноябрь ойида Эронга қилган расмий сафари Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга олгандан кейинги ўзбек-эрон икки томонлама муносабатлари тарихида дастлабки одим бўлибгина қолмай, балки икки мамлакат солномасида янги саҳифа очилди. Қўл қўйилган шартнома ва битимлар мажмуаси ўзбек-эрон ҳамкорлиги ривожи учун мустаҳкам пойдевор бўлди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги, банк, алоқа ва телекоммуникация соҳасидаги ҳамкорлик, фан, маданият борасидаги шартномалар шулар жумласидандир. Имзоланган ҳужжатларга асосан Эрон билан амалий ишлар бошланиб кетди.

Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш ва бир қанча битимларни имзолаш мақсадида шу йилнинг 18—20 октябрь кунлари Эрон Ислом Республикасининг Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний жаноби олийлари бошчилигидаги ҳукумат делегацияси расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасидаги савдо, иқтисодий, саноат, илмий ва техникавий ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия тузиш тўғрисидаги протоколнинг имзоланиши мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг қулай шароитларини яратиб беради ва имзоланган шартномаларнинг бажарилиши назорат қилиб турилади.

Ўзбекистон ҳукумати раҳбарияти билан бўлиб ўтган музокараларда Теджен-Серахс-Машҳад маршрутлари бўйича бунёд этилаётган темир йўлнинг қурилишини тезлаштириш муҳимлиги таъкидлаб ўтилди. Маълумки, республикамиз ушбу қурилишда қисман иштирок этяпти. Ўзбекистоннинг чет мамлакатларга мол чиқариши ва у ердан мол олиб келиш учун қулай маршрутлардан бири Эрон темир йўл магистраллари ва автомобиль йўлларидан оқилона фойдаланишдир. Бу йўл Эроннинг Бандар-Аббос ва Покистоннинг Карачи портлари орқали Форс кўрфази ва Ҳинд океанига, шунингдек, Туркия орқали Оврупо мамлакатларига чиқиш имконини беради. Расмий ташриф чоғида транзит алоқаларни тартибга солиш бўйича ва халқаро автомобиль алоқаси бўйича ҳукуматларимиз ўртасида имзоланган битимлар ушбу масалани ҳал қилиш имконини беради.

Бўлиб ўтган музокараларда эронлик меҳмонлар тегишли фабрика ва корхоналарнинг бир қанчасини замонавий жиҳозлашда ёрдам кўрсатиш истагини билдирдилар.

Томонлар Тошкентда ва Теҳронда савдо уйларини ташкил қилишга келишдилар. 1993 йилнинг 20 октябрида Тошкентдаги «Чорсу» универмагининг биринчи қаватида Эрон халқ истеъмол молларининг дўкони очилди.

Ҳозирги кунда Эроннинг «Порс групп» ва «Сепанд групп» фирмалари Ўзбекистонда фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Ўзбекистон билан Эрон ўртасида иккита қўшма корхона мавжуд. Улар халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, Тошкент шаҳрида ва Қашқадарё вилоятида жойлашган.

Иқтисодиётимизнинг янада ривожланиши учун биз Эрон Ислом Республикаси билан қайси соҳаларда ҳамкорлик қилишимиз мумкин ҳамда улардан қандай маҳсулотлар олишимиз қулай, деган савол туғилади. Бу борада шуни айтиш мумкинки, нефтни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида Эрон томони катта тажрибага эга эканлигини назарга олган ҳолда келажакда бу соҳада ҳамкорлик қилиш мумкин.

Ўз навбатида тажрибали ўзбек геологлари Эроннинг қазилма бойликларини кашф қилишда ва қазиб олишда ҳамкорлик қилишлари мумкин.

Ўзбекистонда тўқимачилик соҳасида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш борасида қўшма корхоналар қуриш ва чорвачиликни ривожлантиришда ўзаро ҳамкорлик қилиш учун шароитлар мавжуд.

О. ТОШПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Бош бошқармасининг бош мутахассиси.

Ғаллаорол туманида фермерлар сони кўпайиб бормоқда. «Кўкбулоқ» давлат хўжалиги фермери Эргаш ака Бутунбоев ана шулардан бири. Ҳозир унинг 70 дан зиёд қорамоли бор. Юз бош қўй-қўзини меҳр билан парваришламоқда. Бу йил у хўжаликка кўплаб маҳсулот топширишга аҳд қилган. Жумладан, тўрт тонна гўшт, 100 килограмм жун етиштириб, хўжаликка сотади. Хўжалик эса фермерга ҳар томонлама қулай шароитлар яратиб бермоқда. Эргаш аканинг нияти — эл дастурхонини сифатли маҳсулот билан тўлдириш.

СУРАТДА: фермернинг турмуш ўртоғи Боғлон Бутунбоева ва Эргаш Бутунбоев.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.



• *Бор бўлсин тадбиркорлар!*

ҲУРМАТИ БАЛАНД МИЛЛИАРДЕР

— Тадбиркорлар ҳақида сўраяпсизми? — деди туман партия кенгашининг биринчи котиби Абдурайим Абдуллаев. — Бундайлар бизда кўп. Мана, Бегимқул Эшқобиловни олайлик. Унинг одамларга ёққан томони — оддийлиги, такаббурликдан, сохталикдан йироқлиги, баландпарвоз гапларни ёқтирмаслиги...

Саркотиб партия аъзоси ҳақида тўлиб-тошиб сўзлайди. Одамлар юрагига эзгулик уруғини бунчалик кўп сочган Ғузор туманидаги Улуғбек номли совхоз директори ҳақида билган ва эшитганларим кўз олдимдан бирма-бир ўта бошлади: Бегимқул Эшқобилов Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг зоотехника факультетини битириб келгач, туманда турли лавозимларда ишлади. Кейин «Рассвет» (ҳозирги Улуғбек номли) давлат хўжалигига директор бўлди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш қисқа даврда олти-етти баробар ўсди. Бундан хабардор бўлган вилоят раҳбарлари Бегимқулдан юқори лавозимда фойдаланишни лозим кўришди. Уни вилоят агросаноат уюшмаси раисининг чорвачилик бўйича биринчи муовинлигига ишга олишди.

Раҳбарга кўп нарса боғлиқ экан. Бегимқул кетди-ю, совхоз хароб бўлди. Раҳбарлар алмашаверди, лекин натижа йўқ. Пахта майдони ҳам, чорва яйлови ҳам, одамлар ҳам ўша-ўша. Бегимқул ҳар гал хўжаликка келганда ночор аҳволни кўриб, юраги ачишарди. Кунлардан бир кун райкомнинг ўша вақтдаги саркотиби Озод Пармонов дангал одам эмасми, Қаршида кўриб, унга юрагини очди.

— Маҳаллий кадрсиз! Хўжаликни тиклаб берсангиз, — деди у.

— Олдин ишлаганман-ку, — деди Бегимқул.

— Яна ялинишим керакми? — деди туман раҳбари.

Бегимқул хиёл бош эгди. У раҳбар бўлиб келди-ю, ишлар юришиб кетди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут 3850 литрга етди. Гўштга топширилаётган молларнинг тирик вазни 420 килограммни ташкил этди. Ҳар товукдан 120 тадан тухум...

— Аввалига сув муаммосини ҳал этдим, — дейди директор, — икки ярим ойда ариқ тортдик. Одамлар ҳам, техника ҳам тинмади. Айниқса, саркотибнинг ёрдами катта бўлди. Бирор йили ҳам пахта тайёрлаш режасини бажармаган, гектаридан атиги 14,5 центнер ҳосил олиб келган хўжаликда ҳосилдорлик бир йилда ўн центнерга ошди. Совхозни қолоқлик ботқоғидан қутқазган раҳбарга одамларнинг ҳурмати, энг муҳими меҳри ошди. Бу йил ҳам хўжалик республикада биринчилар қатори йиллик пахта тайёрлаш режасини оширib бажарди. Давлатга саккиз юз гектар майдондан 1740 тонна ўрнига 2,5 минг тонна юқори сифатли пахта топширилди. Бу йиллик режа бир юз ўттиз фоиздан ошди, демакдир.

Биз хўжаликка ташриф буюрганимизда давлат хўжалиги директори Бегимқул Эшқобилов партия ташкилоти котиби Ўрол Дўстёров билан ҳосилнинг сўнгги мисқолигача йиғиштириб олиш режасини тузишаётган экан.

— Агар даладаги бор ҳосилни йиғиб олсак, — деди директор, — ялпи хирмонни 2800 тоннага етказамиз. Ўшанда ҳосилдорлик гектарига ўттиз беш центнердан тушади. Аммо, бунинг ҳаммаси уруғлик пахта.

— Партия аъзоларимиз ҳам бўш келишмаяпти, — гапга аралашди фирқа ташкилоти котиби. — Айниқса, ХДП аъзоларидан Абдураҳмон Самадов, Суюн Ортиқов, Абдулла Мирзаев, Бекмурод Ражабов бошлиқ пудратчилар бригадалари гектарига 40—45 центнердан, Фозил Ботиров, Мамадиёр Жумаев, Хайрулла Шоймуродов, Бахтиёр Рўзиев, Нормўмин Тошмуродов раҳбарлик қилаётган оилавий ижарачи жамоалар ҳар гектар ердан 45—50 центнердан ҳосил йиғиб-териб олдилар.

— Демак, совхозни миллиардер хўжалик деса бўларканда, — гапни илиб кетди ҳамроҳим, туман партия кенгаши саркотиби.

— Ҳа, албатта, — деди директор. — Энг муҳими, рентабеллик етмиш фоизга чиқди. Эришилаётган ютуқларни, фойдани рақам билан ҳисоблаб бўлмайди. Шундай бўлса ҳам бир-икки рақамни тилга олмоқчиман: ўтган йилги пахта ҳосилидан 450 миллион сўмлик сотилмай турган толамиз бор, 1993 йилги ялпи даромадимиз миллиард сўм бўлади-ёв...

Миллиардер хўжалик! Ана шу рақамни тилга олар эканмиз, директорнинг ишчанлиги, тадбиркорлиги, раҳбарлик салоҳияти яна бир бор кўз олдимдан ўтади. Унинг бу ишбилармонлиги қишлоқда иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда ҳам қўл келаётганлиги сир эмас.

— Директорлигимнинг дастлабки йили хўжаликни тажриба масканига айлантиргандик, — дейди у. — Пахтамизни ўзимиз тайёрлаймиз. Қайта ишлагани учун завод тегирмон ҳақи олади, холос. Ўша йили идора ходимларини 114 кишидан йигирма саккиз нафарга қисқартирдик. Кимдир нафақага, кимдир ишлаб чиқаришга кетди. Ахир, тўқсон кишини бошқа ишга ўтказиш осонми? Янги иш жойлари очдик. Деҳқончилик қиламан, деганларга ер берилди. Учта кичик корхона ташкил қилинди. «Тонг» кичик корхонаси икки юз кишини ишга жалб қилди. Улар бичиш, тикиш, тўқиш ишлари билан шуғулланмоқдалар. «Орзу» кичик корхонасида 25 киши ишламоқда. Кийим-кечак тикишади. Ўттиз киши ишлаётган «Оқ олтин» кичик корхонаси эса қурилиш юмушларини амалга оширмоқда. Совхоз маркази — «Катта» қишлоқда йигирма беш ўринли касалхона, уч юз эллик ўринли мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 624 ўринли мактаб битиш арафасида.

Дарҳақиқат, Бегимқул Эшқобиловнинг мактабга, ўқитувчи ва ўқувчиларга алоҳида меҳри бор. Агар шундай бўлмаганда хўжалик ҳудудидаги бешта мактабнинг ҳар биридаги ўттиз беш нафардан ўғил-қизга стипендия берилармиди. Ўқитувчилар танлови ғолиблари пул мукофоти, шахсий молларига бепул ем-хашак билан таъминланармиди, уйлари жорий ремонт қилинармиди! Директорнинг ташаббуси билан ҳар мактабга уч-етти гектар ердан экин майдони берилди. Мактаблар ўзлари маҳсулот етиштириб, даромад олишяпти. Ҳар бир мактаб жорий ҳисобида бир-бир ярим миллион сумдан маблағ бор. Уқитувчини фаол зиёли, тарғиботчи, ташвиқотчи, ижтимоий муҳитни юмшатувчи инсон ҳисоблайди, Эшқобилов. Шу боисдан ҳам у республика Халқ таълими вазирлиги томонидан «Халқ таълими аълочиси» нишони билан тақдирланган.

Унинг яна бир хайрли иши одамлар дилини хушнуд этмоқда. Ишчи-соғувчи, механизатор ва сувчи йилида икки марта бепул кийим-бош билан таъминланади. Ҳисоблаб чиқилса, бундай кишилар мингдан кам эмас экан. Ҳар кишига икки юз килограммдан буғдой ва яна шунча арпа бериш одатга айланди, янги қурилган қатор дала шийпонлари, чойхона қишлоқ кўркига-кўрк қўшмоқда. Хўжалик йўллари тўла асфальтланди. Лоток ариқлар тортилди.

Энг муҳими, раҳбарнинг ўзига хос улуғвор режаси бор. Келгуси йили маъмурий бино ва қишки клубни битказиб, улар ёнига аллома Улуғбек ҳайкалини ўрнаттирмоқчи. Шу мақсадда хўжаликда ташкил қилинган махсус механизациялашган кўчма жамлама қурилишларни кучайтирмоқда. Қишлоқда «Ўзмашхлопкоткан» бирлашмаси билан ҳамкорликда етти юз тонна толани ипга айлантирадиган фабрика қурилмоқда. Тўқсон бешинчи йилда қурилиб, ишга туширилади ган мазкур фабрика беш юз кишини янги иш жойи билан таъминлайди. Ишга зориққанлар етарли. Ҳар йили мактабларни ўнлаб йигит-қизлар тамомлайди. Ҳаммаси ҳам ўқишга киравермайди. Ана шу ишларда Ўрол Дўстёров етакчилик қилаётган совхоз бошланғич партия ташкилотига уюшган юздан зиёд ХДП аъзоси директорга камарбаста, ҳамкору, ҳамдард ва ҳамфикр. Ўз навбатида биринчи раҳбар ҳам уларга суянади. Шунинг учун ҳам одамлар туман партия кенгашининг аъзоси Бегимқул Эшқобилов тадбиркорлигига тан бериб, унга бежиз эргашаяптилар.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

янгиликлар Воқеалар Хабарлар

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

КОНГРЕСС ҚАРОРИ

● **Америка конгресси аъзолари 1994 йилда ҳарбий харажатлар учун 241 миллиард доллар маблағ ажратиш ҳақидаги қонун лойиҳасини маъқуллади.**

Бу 1993 йилдагидан 13,5 миллиард доллар кам. Қонун лойиҳасида ракетага қарши фазовий мудофаа системасини яратиш кўзда тутилмаган. Америка маъмурияти бу билан «Самовий уруш» дастуридан воз кечганини тасдиқлади.

ЯПОНИЯНИНГ ЯНГИ ЛОЙИҲАСИ

● **Австралия Бош вазири Пол Китинг ишбилармонлар билан учрашувда Япония Сахалин билан Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларини, кейинчалик Австралияни боғлайдиган газ қувури қурилишини мўлжаллаётганини айтди.**

100 миллиард долларлик бу лойиҳа тасдиқлангач, қурилиш ишлари 2000-йилдан бошлаб юборилади.

ИСРОИЛ — ТУРКИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

● **Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес ва Туркия ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четин Қуддусда «Ўзаро англашмалар ҳақида»ги ҳужжатни имзолади.**

Бу ҳужжат икки мамлакат ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга кенг йўл очиб бериши таъкидланди. Исроил — Туркия музокараларида курд сепаратчилик ҳаракати ҳақида ҳам фикрлашилди. Ҳ. Четин Туркия собиқ СССР ҳудудида вужудга келган мусулмон давлатлари билан Исроил ўртасидаги ўзаро муносабатларда «кўприк» вазифасини ўташи мумкинлигини айтди.

ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЛОСАЛАРИ

● **Бозор муаммолари тадқиқи билан шуғулланувчи Лейпциг институти Шарқий Германияда бир неча тадқиқот ўтказди.**

Натижаларга кўра, бу ерда Германия канцлери Хельмут Колнинг обрўси тобора тушиб бормоқда. Тадқиқотда иштирок этганларнинг 30 фоизи Германия канцлерини ўз ўрнида қолишини ёқлаган, 70 фонзи эса унга қарши фикр билдирган, деб хабар беради «Супер иллю» журнали.

ПРЕЗИДЕНТ ЛАВОЗИМИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

● **Бурятия парламенти республикада Президентлик лавозимини таъсис этди.**

Собиқ мухторият конституциясига киритилган тузатишга мувофиқ эндиликда Президент Бурятия Республикасининг раҳбари ҳисобланади ва бутун халқ томонидан сайланади.

Депутатлар республиканинг қонун чиқарувчи органини Бурятия халқ хурали деб юритилишига қарор қилдилар.

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ ИСТЕЪФО БЕРДИ

● **Испания ҳукумати раиси Филипе Гонсалес ички ишлар вазири Хосе Луис Коркуэранинг истеъфога чиқишига розилик берди.**

ИИВ раҳбари журналистлар билан яқинда бўлиб ўтган суҳбат чоғида шуни маълум қилди.

Мамлакат ҳукуматини бошқараётган социалистик ишчи партиясининг таниқли намояндаларидан бири — Х. Л. Коркуэра конституциявий, трибунал фуқароларнинг хавфсизлиги ҳақидаги қонуннинг бир моддасини бекор қилганидан сўнг истеъфо берди. Чунки у бу модданинг қабул қилиниши тарафдори эди.

УЧРАШУВНИНГ ЎЗИ ЮТУҚ

● **АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг Хитой Халқ Республикаси раиси Цзян Цзэмин билан Сиэтлда бўлиб ўтган учрашуви жиддий натижа келтирмаган бўлсада, унинг юз бергани ижобий ҳодисадир, деди АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер.**

Бу учрашувда АҚШ Хитой раҳбарининг «Инсон ҳуқуқларига риоя қилишни яхшилаш» борасида ваъда беришига эришолмади. Аммо, икки давлат раҳбари савдо соҳасида алоқаларни яхшилаш хусусида келишиб олдилар.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

● **Европа Иттифоқининг Люксембургда ўтказилган навбатдан ташқари сессиясида собиқ Югославияга нисбатан ягона ташқи сиёсат юргизиш, хусусан, Босния ва Герцеговинага инсонпарварлик ёрдамларини етказиб бериш масалалари муҳокама қилинди.**

Унда Маастрихт шартномасини имзолаган 12 давлат ташқи ишлар вазирлари иштирок этди.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ ОРГАНЛАР ШТАТЛАРИ КЎПАЙДИ

● **Иқтисодий иттифоқнинг мувофиқлаштирувчи органлари штатлари амалда шакланиб бўлди. Эндиликда МДҲ давлатлари ҳамкорлигини мувофиқлаштириш билан 175 киши шуғулланади.**

Ижрочи котиб ҳеч бир давлат вакили ҳисобланмайди. У халқаро амалдор саналади. Мувофиқлаштирувчи органларда Ҳамдўстлик аъзо мамлакатлар манфаатини давлат бошлиқлари тайинлаган элчилар ҳимоя қиладилар.

В. ГЕРАШЧЕНКОНИНГ ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИГА МУНОСАБАТИ

● **Россия Президентининг мамлакат ҳудудида хорижий банклар фаолиятини чеклаш хусусидаги фармони марказий банк билан олдиндан келишиб чиқилгани йўқ.**


«Бизнинг сиёсатимиз хорижий сармоялар лозимлигини эътироф этар эди, деди Марказий банк раиси В. Герашченко. — Чет эл банкларининг Россияга кириб келиши, назаримизда, мамлакатдаги тижорат банкларининг фаолиятини соғломлаштирган бўлур эди».

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

янгиликлар Воқеалар Хабарлар

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДИҚҚАТ! «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА...



Душанба, 29. XI

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Нақшлар бўстони». Телефильм.
18.25 «Ёшлик» студияси. «Истеъдод».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Дилда ишқинг...». Концерт.
20.00 «Санъат кошонаси». «Ўзбектелефильм» премьераси.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Фанимиз фахри». Академик Иброҳим Мўминов таваллудининг 85 йиллигига.
21.30 «Шаҳар бедарвоза эмас...».
22.15 «Қора ўқ». Бадиий фильм.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Билиб қўйган яхши».
19.40 «Мерос». Телефильм.
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.20 Шифокор маслаҳати.
20.50 «Ассалому алайкум».
21.50 «Лаҳза». Хабарлар.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 9.20, 15.20, 18.20, 21.20, 00.40 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якшанба». Ахборот публицистик кўрсатуви.
6.45 «Тонг».
8.00 «Сайловчи соати» (такрор.).
9.00 Янгиликлар.
9.25 «Тингланг, томоша қилинг...».
9.45 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 25-серия.
10.15 «Нима! Қаерда! Қачон!».
11.20 «Мавзу».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Гол».
* * *
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Мусиқий башорат». Кўп серияли телефильм премьераси. 5-серия.
16.40 «Рок-сабоқ».
17.20 «Иқболи кулганда».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Мультфильм.
18.40 «Мулкдор алифбоси».
18.50 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.05 «Гол».
19.35 «Миниатюра».
19.45 «Сайловчи соати».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 25-серия.
21.55 «Спорт уик-энди».
«Янги студия» таништиради:
22.15 «Бомонд».
22.35 «Таржимаи ҳол».
23.05 «Мен».
23.10 «Ассалому алайкум!».
23.40 «Джэм-сейшн». Ю. Шевчук.
24.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Россияда бизнес».
9.30 Тонгги концерт.
9.45 Мульти-пульти.
9.55 Сиз севган комедиялар. «Олтин бузоқча». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.
12.40 XX аср кадрда ва кадр ортида. «Корниловнинг шинели».
13.40 «Деҳқонларга таааллуқли масала».
14.05 Кундузги сеанс. «Ялангоёқлар». Бадиий фильм.
15.35 «Кунлардан бир куни Костромада».
15.55 «Бола тилидан».
16.25 Болалар учун янгиликлар.
16.40 «Трансросэфир».
17.25 «Катта жанжал».
*
18.00—20.10
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.10 Душанба куни детектив. «Лаки страйк» таништиради. «Қутқариш». Бадиий фильм. «Криминал ҳодисалар» сериалидан.
21.05 «Қутқариш хизмати 911».
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.30 «Ҳақиқат онлари».
23.25 «Экспомарказ таништиради...
23.30 Театр сафари. «Ой ёруғидаги саҳналар».

Сешанба, 30. XI

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Мен сизни суюбман».
7.50 «Оқ бўталоқ». Мультфильм.
8.00 «Қувноқ болалар».
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 «Бахт изловчи Ҳасан». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
9.55 «Қизил Яримой шўъласи».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
11.00 «Муҳандис».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Тошкентда куз». Телефильм.
18.20 «Ёшлик» студияси. «Балоғат ёшида».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Навоий гулшани».
20.00 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги олдидан. «Истиқлолимиз қомуси».
21.30 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
22.05 «Мулоҳаза». У. Ҳошимовнинг «Тўйлар муборак» асари ҳақида.
22.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
20.10 «Концерт залларида».
«ОМАД» таништиради
21.15 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
8.00 «Сайловчи соати» (такрор.).
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Домисолька».
9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.30 «Инсон ва қонун».
11.10 «440 герц».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 8-серия.
* * *
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
15.40 «Конверсия ва бозор».
16.10 «Иш».
16.20 «Ён дафтар».
16.25 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.50 «Биз яна кўплаб қўшиқлар тўқиймиз...». Н. Доризо.
17.10 «440 герц».
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Конституция: Ғарб тажрибаси».
18.45 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
18.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Сайловчи соати».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Мавзу».
22.15 «Мосфильм»нинг 70 йиллигига. «Андрейнинг қўмсаб». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар (1969 й.). Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
02.25 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Ҳақиқат онлари».
* * *
11.55 Хонаки экран. «Кўзгу». Бадиий фильм.
13.40 «Деҳқонларга таалluқли масала».
14.05 Киноқиссалар. «Гобсек». Бадиий фильм.
15.45 Ҳужжатли фильм.
16.15 Болалар учун янгиликлар.
16.30 «Рост» студияси. «Гўзал қизлар».
17.00 «Трансросэфир».
17.45 «Танаффус». С. Есенин шеърлари билан айтиладиган романслар.
*
18.00—20.05
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.05 «Кўприкдаги нур». Пермь драма театрининг гастроллари муносабати билан.
20.35 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 249-серия.
21.25 Спорт кўрсатуви.
21.35 «Одатдаги пайтда». Д. Карасикнинг Г. Алексеев шеърлари асосидаги спектакли.
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 «Сиёсат майдонида».
23.20 «Мен — йўлбошчиман».
23.35 «Сайловолди марафони».
00.05 Волейбол. Россия кубоги.
00.50 «Қисқаси...». Мусиқий телетомоша.

Чоршанба, 1. XII

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Лирик концерт.
7.50 «Наташа учун эртак». Мультфильм.
8.00 Дунё воқеалари.
8.10 «Билиб қўйган яхши».
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 «Саодатли санъат сайёралари». Фильм-концерт.
9.50 «Шимол ёғдусини ёқинг». Бадиий фильм.
11.00 Инглиз тили.
11.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ургут жилолари». Телефильм.
18.25 «Ислоҳот—давр талаби».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Эстрада концерти.
20.00 «Бобур». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эсон Лутфуллаев куйлайди.
22.05 Эркин кураш. Ўзбекистон чемпионати.
22.45 «Бахт кулиб боққанда». Бадиий фильм.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Қувноқ жилолар».
20.05 «Спринт».
20.30 «Театр оламида».
21.20 «Лўли». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 18.20, 21.20 —Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
8.00 «Сайловчи соати» (такрор.).
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Ҳакка». Болалар учун ахборот кўрсатуви.
9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.30 «Савдо кўприги».
11.00 «Монедан Пикассогача».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
13.10 СПИДга қарши кураш Бутунжаҳон кунига. «Амалий ишлар даври келди».
14.40 «Қизча ва силовсин». Телефильм.
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.40 Волгоград шаҳар «Станица» фольклор ансамбли ижро этади.
17.00 «Қизлар ўртасидаги сир».
17.20 «700 клуб».
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
18.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Сайловчи соати».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
«Сайланмалар».
Бадиий-маърифий кўрсатув.
21.25 «Бир куни декабрда». Телерадио жамғармаси хазинасидан туҳфалар.
21.45 «Ватан солномаси». Парижда ғаройиб вернисаж.
22.15 «Паст овозда». Булгаков қаҳрамонларидан бирининг тақдири ҳақида.
22.30 «Дизайн қувончи. Модерн. Россия сюжетлари».
22.45 «Из». А. Вознесенский.
23.00 «Бедорлик». Волхонкадаги кеча.
23.20 «Сериал». «Инсон овози». Илмий-оммабоп фильм.
*
23.40 «Матбуот-экспресс».
24.00 Янгиликлар.
00.40 Футбол. Чемпионлар лигаси. «Милан» (Италия) — «Порту» (Португалия). Италиядан олиб кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Бизнес: янги номлар».
9.15 «Параллеллар».
9.30 «Сиёсат майдонида».
10.25 «Рек-тайм».
10.55 Киноқиссалар. «Обломов ҳаётидан бир неча кун». Бадиий фильм. 1-серия.
12.10 «Обломов ҳаётидан бир неча кун». Бадиий фильм. 2-серия.
13.15 «Рус «Самиздати» қаерда сақланади?»
13.45 «Деҳқонларга таалluқли масала».
14.05 «Дунё аёллари». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси. 4-серия.
14.35 «Кўздан ғойиб бўлаётган манзара». Лев Аннинский кўрсатуви.
15.25 «Одатдаги пайтда». Д. Карасикнинг Г. Алексеев шеърлари асосидаги спектакли.
15.50 «Телегазета».
16.00 Мульти-пульти.
16.10 Болалар учун янгиликлар.
16.25 «Рост» студияси. «Яшил мактаб».
16.55 Мульти-пульти.
17.05 «Трансросэфир».
17.50 Спорт кўрсатуви.
*
18.00—20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.00 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 250-серия.
20.55 «Мулоқот». К. Занусси — В. Ерофеев.
21.45 Криминал хабарлар экрани.
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 «Сайловолди марафони».
22.55 «Амалий ишлар даври». СПИДга қарши кураш Бутунжаҳон хайрия тадбири.
00.15 «/ —клуб».

Пайшанба, 2. XII

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Куйлардан қўшиқларга.
7.50 «Соябон менинг ҳамроҳим». Мультфильм.
8.00 «Қувноқ болалар».
8.20 «Улоқ». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 «Олтин занжир». Бадиий фильм.
10.25 «Қадрдонлар кўчаси». Телефильм.
10.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.05 Форс тили.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Бўталоқ». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Рустам Ғойипов куйлайди.
19.50 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги олдидан. «Ватан меҳри». Адабий композиция.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 М. Қориёқубов номидаги Ўзбекистон Давлат филармонияси «Зарафшон» ашула ва рақс ансамблининг концерти. Халқлар Дўстлиги саройидан ёзиб олинган.
22.00 «Ҳамшаҳарлар».
23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Болалар учун. «Табассум».
20.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги олдидан. «Бахтимиз қомуси».
20.30 «Шахс ва илҳом».
«ОМАД» таништиради
21.40 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 21.20, 00.40 —Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
8.00 «Сайловчи соати» (такрор.).
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.10 Нина Ананиашвили таклиф этади.
11.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 10-серия.
* * *
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.40 «Женева. Куз. БМТ».
17.10 «Джэм».
17.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар». Танаффус пайтида (18.00) — Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.45 «Сайловчи соати».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 Футбол. Чемпионлар лигаси. «Милан» (Италия) — «Порту» (Португалия). Италиядан кўрсатилади.
21.40 «Твин Пикс». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9-серия.
23.30 «Максима».
24.00 Янгиликлар.
00.45 «MTV».
01.45 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Кетдик».
9.10 «Мулоқот». К. Занусси — В. Ерофеев.
10.00 Тонгги концерт.
10.15 «Сўнган юлдузмиз?».
10.45 «Қутқариш хизмати 911».
11.40 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 249 ва 250-сериялар.
13.20 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье».
13.40 «Деҳқонларга таалluқли масала».
14.00 «Қалбларимизни саховат тарк этмасин».
14.30 «Телегазета».
14.40 «Трансросэфир».
15.25 «Терминал».
16.00 «Рус ижозатномаси».
16.30 Болалар учун янгиликлар.
16.45 «Рост» студияси. «Такой возраст». Ёшлар тележурнали.
17.15 «Келинг, аниқлаб олайлик».
17.30 «Услуб».
18.00—20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.00 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 251-серия.
20.50 Ватаним менинг. «Учрашув жойи — Санкт-Петербург». 1-қисм.
21.45 Криминал хабарлар экрани.
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Сайловолди марафони».
23.00 Ватаним менинг. «Учрашув жойи — Санкт-Петербург». 2-қисм.

Жума, 3. XII

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Ёшлар куйлаганда».
7.50 «Ҳақгўй атиргул». Мультфильм.
8.00 Мутахассис маслаҳати.
8.10 «Зарафшон». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
9.00 «Қалъа жавоб берди». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология. Судралиб юрувчилар синфи.
11.00 «Тандир, арча, олов». Телефильм.
11.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология. Ҳужайрада энергия алмашинуви.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Ўсмирлар учун. «Умид учқунлари».
18.35 «Биз очиқ жамоа». Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Одобнома».
20.00 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги олдидан. «Истиқлолимиз қомуси».
21.30 «Ҳофизлар хониш қилганда».
22.05 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Севгилимни излайман». Телевизион бадиий фильм.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Сиз кутган дақиқалар». Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиев.

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 18.20, 21.20, 00.40—Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
8.00 «Сайловчи соати» (такрор.).
9.00 Янгиликлар.
9.20 Мультфильм.
9.30 Эртак ҳузурида меҳмонда. «Юлдузли бола». Телевизион бадиий фильм.
11.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
* * *
15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 Эртак ҳузурида меҳмонда. «Юлдузли бола». Телевизион бадиий фильм.
17.40 «Музограф».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Россия сайловининг акс садоси».
18.45 «Инсон ва қонун».
19.15 «03 вагони».
19.45 «Сайловчи соати».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Твин Пикс». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 10-серия.
22.20 «Мўъжизалар майдони».
23.20 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
23.40 «Матбуот-экспресс».
24.00 Янгиликлар.
00.45 «Музобоз».
01.30 «Сиёсий бюро».
02.10 «Авто-шоу».
02.40 «Обоз» майдончаси. Т. Овсиенко.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Кетдик».
9.10 Ватаним менинг. «Учрашув жойи — Санкт-Петербург».
10.05 «Параллеллар».
10.20 «Уз манзили».
10.50 «Кўздан ғойиб бўлаётган манзара».
11.45 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 251-серия.
12.35 «Ҳайвонот оламида».
13.40 «Деҳқонларга таалluқли масала».
14.00 «Биз бошлаган иш».
14.30 «Трансросэфир».
15.00 Мульти-пульти.
15.20 Жума кунлари Дисней. «Қора ўқ». Бадиий фильм. 2-серия.
16.10 Болалар учун янгиликлар.
16.25 «К-2» таништиради: «Халқ франи».
17.20 «Ностальжи» — барча авлодлар мусиқаси».
17.50 Спорт кўрсатуви.
*
18.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.50 Россия телевизион театри. М. Булгаков. «Бехосият тухумлар».
21.30 «Фақат ош-нон билангина эмас...».
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 «Сайловолди марафони».
22.55 Катталар учун мультфильмлар.
23.20 «Мистер Икс». Бадиий фильм.
00.50 «Мусиқий синов».

Шанба, 4. XII

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Ватан ишқи». Концерт.
7.50 «Бувимнинг туғилган куни». Мультфильм.
8.00 Дунё воқеалари.
8.10 «Билдирсой». Телефильм.
8.20 Мутахассис маслаҳати.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 «Кўл тубидаги хазина». Бадиий фильм.
10.25 «Китоб ва ҳаёт».
10.55 Грек-Рим кураши бўйича С. Раҳимов хотирасига бағишланган анъанавий халқаро турнир.
11.55 «Халқ ижодиёти». «Гавҳар» ансамбли ҳақида.
12.40 «Билимдон». Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани юқори синф ўқувчиларининг баҳси.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Томоша». Болалар учун фильм-концерт.
18.30 «Бизга мактуб йўллабсиз».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Бобур саломи». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзкинохроника»).
19.40 «Хонанда билан учрашув». Ҳуррият Исроилова.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Ёшлик» студияси. «Зиё».
22.00 Ўлмас Умарбеков. «Қиёмат қарз». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.40 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

● ЎзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Зарблар сеҳри». Аббос Қосимов.
19.50 Телефильм.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти .
21.00 «Браслет-2». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

6.40, 15.20, 21.20, 00.40 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
6.55 «Матбуот-экспресс».
7.05 «Ишбилармон кишининг шанба тонги».
7.50 Янгиликлар.
8.30 «Қимор».
9.00 «Марафон-15» таклиф этади.
9.30 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
10.55 «Авиакосмик салон».
11.10 Мультфильм.
11.25 «Одамлар макони». Экологик кўрсатув.
11.55 «Илҳом манбалари».
12.25 «Тожикистон». Ҳужжатли фильм премьераси (1993 й.).
13.15 «Лаззат».
13.30 Тиббиёт ҳамма учун.
14.05 «Продюсер».
15.00 Янгиликлар.
15.25 «Пеппи — Узун пайпоқ». Болалар учун кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 12-серия.
15.50 «Пул ва сиёсат».
16.20 «Ультра-си». Спорт кўрсатуви. От спорти. Бридер Скраун совринлари. АҚШдан кўрсатилади.
17.00 «Қизил квадрат».
17.40 «Ҳайвонот оламида».
18.20 «Мариинскда променад».
19.15 «Оба-на».
19.45 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Ўзбилармон». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Орзу савдогарлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
22.15 «Серпантин».
23.15 «Матбуот-экспресс».
23.25 «Резонанс» студияси таништиради.
23.45 Катталар учун мультфильм.
24.00 Янгиликлар.
00.45 «Фестиваллар намойиши». Лондонда 37-халқаро кинофестиваль.
01.30 Охирги киносеанс. «Декалог-IX». Телевизион бадиий фильм премьераси.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.55 «Сиз яратган боғ».
9.25 Ҳужжатли фильм.
9.50 Мульти-пульти.
10.00 «Рост» студияси.
10.30 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
11.15 Мульти-пульти.
11.25 Хонаки экран. «Ҳам ҳаёт, ҳам кўзёшлар, ҳам муҳаббат». Бадиий фильм.
*
13.00—16.55
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
13.00 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
13.10 «Гўзаллик бунёдкорлари».
13.45 «Безнен мирас» (татар тилида).
14.15 «Мусиқа оламида». И. Брамс асарларини А. Шарипова ижро этади.
15.05 «Кашфиётлар дунёси».
16.15 «Таниш номлар».
16.45 «Бу ажиб дунё».
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.55 «Бахтли тушлар таъбири».
17.25 «Квадрат илдиз остидаги чақа-тангалар».
*
18.00—20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.00 «Овросиё-ТВ» таништиради: «Феликс Круллнинг иқрори». Бадиий фильм. 2-серия.
21.05 «Мутлақо махфий».
*
22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Сайловолди марафони».
23.05 «Ксюша ҳузурида».
23.35 «Даврадан чиқиш». Бутунроссия ногиронлар ўн кунлигига бағишланган «Умид» телемарафони.
00.35 Тунги сеанс. «Қариндош». Бадиий фильм.

Якшанба, 5. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».
*
8.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
8.30 Болалар учун. «Тонгги салом».
9.00 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 43—44-сериялар.
10.30 «Қувноқ стартлар». Сирдарё вилояти мактаб ўқувчиларининг мусобақалари.
11.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.
12.00 «Устозни табриклаб...». Ғ. Тошматов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган кеча. «Баҳор» концерт залидан ёзиб олинган.
13.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанпарвар».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Алиса Мўъжизалар ўлкасида». Мультфильм. 1—2—3-сериялар.
18.30 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
19.00 «Ҳафтанома» (рус тилида).
19.30 «Ойнаи жаҳонда».
19.45 Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги олдидан. «Улуғбек сиймоси саҳнада, экранда».
20.30 «Ҳафтанома».
21.10 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги олдидан. «Истиқлолимиз қомуси».
21.40 Ўзбекистон халқ артисти Рўзимбек Муродов.
22.45 «Севги сароблари». Бадиий фильм.
00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ОМАД» ТАНИШТИРАДИ:
17.00 «Мультфейерверк».
17.40 «Курьер».
17.50 «Рок ҳақида».
18.20 «Ҳар соҳадан бир шингил».
18.30 Болалар учун. «Совға».
18.55 «Салом, ёшлар!»
19.25 «Даракчи».
19.35 Эълонлар.
19.40 «Видео-О».
21.15 «Курьер».
21.25 «Мусиқий йўлка». Мусиқий кўрсатув.
21.50 «Даракчи».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Видео-О».

● «ОРБИТА IV»

7.55, 19.00, 22.45, 00.20 — Кўрсатувлар тартиби.
8.00 «Руҳни чиниқтириш».
9.00 «Марказ».
9.30 «Эрта саҳарлаб».
10.00 «Ҳамма уйдалигида».
10.30 «Спортлото» тиражи.
10.45 «Тонг юлдузи».
11.35 «Полигон».
12.05 «Сиз учун учрашув». Василий Аксенов.
12.50 «Янги авлод... ютуқ».
13.30 «Провинция».
«КТВ-І» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради:
14.00 «Француз пазандалари сизга тавсия этадилар».
14.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
*
15.00 Янгиликлар.
15.15 Эстрада концерти.
15.35 «Саёҳатчилар клуби».
16.25 «Ҳунарли хор бўлмайди».
16.30 Мультфильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари», «Ҳақиқий ажина овловчилар».
17.20 Эфирда бевосита мулоқот.
18.05 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.05 «Мен сизга қўшиқ куйлаб бераман».
19.40 «Нима! Қаерда! Қачон!».
20.45 Ж. Ануй. «Орнифль ёки елвизак». «Моссовет» номли Давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси.
22.00 «Якшанба». Ахборот публицистик кўрсатуви.
22.50 Ж. Ануй. «Орнифль ёки елвизак». Фильм-спектакль премьераси (давоми).
00.05 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 Хайрли тонг! «Чемпионлар учун нонушта».
8.55 «Калит» кўрсатуви. «Шоҳона сафар». 8-қисм.
9.25 «Мусиқий коллекция» Ж.-Э. Бавузе чалади (фортепиано).
10.05 «Рост» студияси. «Космос сабоқлари», «Соник — суперёжик».
10.35 «Здоровье».
11.05 «Ати-бати...».
*
11.35—15.45
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
11.35 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
11.50 «Қудратимиз — дўстлигда».
12.30 «Дийдор» (қозоқ тилида).
13.00 «Бахтимизнинг муштарак қонуни».
13.30 «Кўнгил кўприклари».
14.10 Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига. «Буюк мунажжим».
14.40 «Мусиқа оламида».
15.15 «Бу ажиб дунё».
*
15.30 «Мустақиллик одимлари». Ўзбекистон кўмир саноатининг ривожланиши ҳақида.
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.45 Диснейнинг сеҳрли олами. «Винни-Пухнинг янги саргузаштлари», «Қора плашч».
16.35 «Оқ қарға».
17.20 Мульти-пульти.
17.40 «М-трест».
18.00 Телефильм.
18.25 «Овросиё-ТВ» таништиради: «Худолар сири». Бадиий ҳужжатли фильм.
20.00 Спорт кўрсатуви.
*
20.05—22.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Си-Би-Эс кинотеатри. «Бошқа аёл». Бадиий фильм.
00.05 «А» программаси: «Ассорти».

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Имконингни бой бермай алоқа бўлимларига шошилинг!

Унинг бир йиллик обуна нархи 20 минг 400 сўм.

Олти ойга 10 минг 200 сўм. Қиммат дейсизми? Арзон эмас, албатта. Аммо, «Арзон беминнат бўлмас, қиммат — беҳикмат», деган мақолни ҳам унутманг.

Эслатма: «Ўзбекистон овози» ҳафтада беш марта чиқади, телекўрсатувлар программаси унда мунтазам бериб борилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» СИЗНИНГ ЭНГ СЕВИМЛИ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИБ ҚОЛИШИГА КАФОЛАТ БЕРАМИЗ.

• Қутлов •

ЭРТАКШУНОС



Миллий қадриятларимизнинг асл илдизларидан бири халқ оғзаки ижоди экани ҳаммага маълум. Шу боис халқ оғзаки ижодини тўплаш ва ўрганиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонда фольклоршунослик илми вужудга келди. Унинг яловбардорлари Ҳоди Зариф, Мансур Афзал, Музайяна Алавиялар бўлишган бўлса, 60-йилларда бир гуруҳ ёш тадқиқотчилар уларнинг ишларини давом эттиришди. Тўра Мирзаев, Малик Муродов, Ғайрат Жалоловлар фольклоршунослик илмининг турли соҳалари бўйича фундаментал ишларга қўл уришди. Ёш олим Ғайрат Жалолов эса «Ҳамза ва халқ оғзаки ижоди» мавзуида номзодлик ҳимоясини муваффақиятли ёқлади. Шундан сўнг Тошкент Давлат муаллимлар тайёрлаш институтида доцент сифатида таълим-тарбия билан илмни, тадқиқий ишларни қўшиб олиб борди. Олим «Адабиёт ўқитиш методикаси» «Ўзбек совет адабиёти» курслари юзасидан қўлланмалар ва ўқув программалари, илмий-оммабоп рисолаларни чоп эттирди. Шу билан бирга у ҳали илмда ечилмаган эртак жанри сирларини очиш, унинг жанр хусусиятларини жойжойига қўйиш каби муаммоларни ҳал этишга интилди. Докторлик ишига ҳам «Ўзбек халқ сеҳрли эртакларининг генезиси ва бадияти» мавзуини танлади.

Кўп ўтмай диссертацияни муваффақиятли ёқлаб, докторлик даражасини олди. Шу аснода монография чоп эттирди. Ғайрат Жалоловнинг мазкур иши илмий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Кўплаб Ўзбекистон фольклоршунослари билан бирга собиқ Иттифоқ доирасидаги машҳур олимлардан Амир Нажиб, В. Путилов, Б. Кирдан ва бошқалар ҳам бу ишга ижобий баҳо беришди. Ишни фольклоршунослик соҳасида янгилик сифатида баҳолашди.

Ғайрат Жалолов илмий изланишларни ижтимоий ҳамда жамоат ишлари билан қўшиб олиб бормоқда. Дастлаб Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти филология ҳамда кутубхонашунослик факультетлари декани ўринбосари ва декани, кейинчалик Тошкент Давлат Маданият институтида маданий-маърифий ишлар бўйича ректор муовини вазифаларини бажарди. Ғайрат Жалолов ёш олимларнинг меҳрибон устози сифатида ўнлаб фан номзодлари, докторлари тайёрлади. Олим талабалар таълим-тарбиясида ҳам илғор усуллардан фойдаланмоқда. Ёш авлодни миллий анъаналар, давлатимизга садоқат, ватанпарварлик туйғусида тарбиялашга катта ҳисса қўшмоқда. Проректор Ғайрат Жалолов республикада миллий қадриятларни тиклаш, халқ орасида илғор урф-одат ва маросимларни тарғиб қилиш бўйича ҳукумат қошида ташкил этилган кенгашнинг аъзоси сифатида «Наврўз» халқ байрамини ташкил этишда кучғайратларини аямаяпти.

Одатда олтмиш ёш инсон ҳаётида етуклик даври бўлади. Бу ёшда ҳар қандай касб-кор эгаси ўз меҳнат ҳосилидан хирмонлар уяди. Профессор Ғайрат Жалолов ўзини илмга, ёш авлод таълим-тарбиясига бахшида этган, унинг илмий жамоатчиликда юқори баҳоланган ўнлаб илмий китоблари, юзлаб мақолалари ана ўша хирмонлардан. Уларнинг ҳар бири ўз даврида юқори илмий қиммати билан ўзбек адабиётшунослик илмига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Шунингдек, олим тарбиялаган юзлаб мутахассислар, ўнлаб олимлар ўз устози хирмони салоҳиятини янада оширишга хизмат этмоқда. Меҳнат инсонни улуғлайди дейишади, бу гапни Ғайрат ака ҳаёти, тақдири тасдиқлаб турибди.

Ҳақназар ХАЛИЛОВ,
Норбек УСАНОВ.

• Одобнома •

ҲАЛОЛУ ҲАРОМ ТЎҒРИСИДА

● Агар ёққа сичқон тушиб ўлиб қолса ёғни нима қилиш мумкин?

Агар ёғ қотган бўлса, ўйиб олиб ташланади. Агар ёғ суюқ, эриган бўлса, у ҳолда ёғни қиздириб туриб, бир жомдаги сувга эҳтиётқорлик билан қуйилади. Оқибатда ёғ сувда тўғнайди. Шу ишни уч бор такрор қилингандан сўнг ёғни ишлатиш мумкин бўлади. Агар ташлаб юборилса, исроф қилди, деб ҳукм қилинади.

● Агар сичқон асалга тушиб ўлиб қолса, асални нима қилмоқ керак?

Агар сичқон тушиб ичида ўлиб қолган асал қотган ҳолатда бўлса, ўйиб олиб ташланади. Бордию, асал суюқ ҳолатда бўлса, унда асални совуқ сув билан уч маротаба ювилса ҳалол бўлади.

● Агар сувга ёки ейиладиган бирор нарсага пашша, арı, ўргимчак ёки шунга ўхшаш қони йўқ бўлган ҳашаротлар тушиб ўлиб қолса сувни ёки ейиладиган нарса нима қилинади?

Бундай нарсаларнинг зарари йўқ.

● Эр ёки хотиндан бирига сувга тушишлик ёқмаса, яъни, сув унинг соғлиғига зарар етказса нима қилиш керак?

Бундай кишиларга ғусл қилишлик зарур бўлганда, улардан бири сув зарар қилмайдиган ғусл қилаверади. Иккинчиси — сув зарар келтирадиганлари юзқўлларини, оғиз-бурунларини ювадилар, учинчи фарз — тамоми баданга сув текизмай ўрнига таяммум қиладилар. Таяммум қилганда қўлларини чанги бор нарсага уриб, юзларига суртадилар. Иккинчи бор, яна бир бор уриб, икки қўлларига суртадилар.

● Ғусл қилмасдан олдин сўзлашиш ёки овқатланиш мумкинми?

Расулуллоҳнинг хотинлари Ойша онамиз ривоят қиладиларки, Расулуллоҳ рамазон кунларида саҳарликда вақт зиқ бўлган пайтларда юз-қўлларини ювиб, оғиз-бурунларини чайқаб овқатланаверадилар. Саҳарлик таомини тановул қилиб бўлганларидан сўнг, субҳидан кейин устларидан сув қуйиб оладилар. Демак, бундан шундай хулоса чиқадики, ғуслдан олдин сўзлашса ёки овқат еса бунинг зарари йўқ экан.

● Харом нарсаларни дорилик учун ишлатса бўладими?

Бирор харом нарсани ҳақиқатда дори эканлигини, уни касалга фойдаси борлигини, таъбиби Хозиқ бўлган одам (моҳир, тажрибали табиб) билса, ундан ҳожатга ярашасини ишлатса бўлади.

● Аёлга эркак киши, эркакка аёл касал пайтида қараб, унга дори қўйиб ёки ифлосликларини тозалаш мумкинми?

Агар ўзининг қаровчиси йўқ бўлса, эҳтиёжга яраша, эҳтиёткорлик билан дори қўйишга ёки тоза қилишга шариат рухсат беради.

● Овқатдан олдин қўл ювишлик шартми?

Пайғамбаримиздан ҳадис бор: «Яду мусоллин тохирун», — яъни номоз ўқувчининг қўли покизадир. Номоз ўқувчи қўлида ифлос нарсаларни ушламайди. Унинг қўли покиза бўлади. Шу сабабдан ювмоқлик шарт эмас. Аммо бошқа бир ҳадисда айтиладики, таомнинг барокоти таомдан аввал ҳам, кейин ҳам қўл ювишдадир. Агар ошиқча ҳараж, яъни қийинлик, ноқулайлик бўлмаса қўлни ювмоқ маъқулдир.

● Агар мусулмон одам оч қолса, ўзи муҳтож бўлса, ўзида қувватсизликни сезса, харом саналган нарсаларни ейишга шариат рухсат берадими?

Агар шундай ҳолат вужудга келса, тўймагундай ейишга шариат рухсат беради. Аммо зиёда тўйиб ейишга ёки ейиш мақсадида ундан олишга шариат рухсат бермайди.

(«101 саволга 101 жавоб» рисоласидан).



Қолбека Абдулина тажрибали шифокор. У Қорақалпоғистон эксперимental—клиника институтида болалар касаллигини даволаш бўйича биринчи тонфали мутахассис ҳисобланади. Каром УРОЗОВ олган сурат.

ТУРФА ОЛАМ

БИР КУН ТУЗ ИЧГАН ЖОЙГА...

Бир кунда қанча туз тотишингизни биласизми? Бир ой ёки бир йилда-чи? Эшитинг, бир киши кундалик истеъмол этадиган таоми орқали йигирма-йигирма беш грамм туз истеъмол қиларкан. Ушбу миқдор бир ойда олти юз граммни, бир йилда эса етти килограммдан зиёдни ташкил этади.

Улуғ рус олими М. В. Ломоносов туз тўғрисида қизиқ мисоллар келтирар экан. «Хабашистонда мушт-дай-муштдай тўрт бўлак ош тузига битта қулни алмаштиришади», — деб ёзган эди у. Бу воқеа олим яшаган ўн саккизинчи аср ўрталарига тўғри келади.

Академик А. Е. Ферсманнинг ёзишича, Африканинг туз танқис баъзи ҳудудларида бир ҳовуч ош тузига шунча тилла беришган. Бу воқеа бир аср муқаддам содир бўлган.

Арманлар янги туғилган чақалоқни номакобда чўмилтиришади. Бу тузнинг муқаддаслигига бир ишора. Славянлар азиз меҳмонга ва қаҳрамонларга «нон-туз» билан пешвоз чиқишган.

Ўзбекларда туз билан боғлиқ матал, тушунча ва ҳатто қарғишлар бор. Чунончи, «бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом», «берган тузимга рози эмасман», «тузим кўр қилсин сени», «тузимни ичиб, тузлиғимга тупурди!», «шўри қуриб қолибди-ку» ва ҳоказо.

Ибн Сино: «Туз қанча иссиқ бўлса, шунча иссиқликдир. Туз талоқнинг қалинлашувига фойда қилади. Оқ туз елларни ҳайдайди, зеҳнни ўткирлаштиради, милкларни мустаҳкамлайди. Куйдирилган туз тишни тошлардан тозалайди, суртилса, қонталашни тўхтатади. Тузни асал билан истеъмол қилинса, рангни яхши қилади».

ЖУМАНБУЛБУЛ МУЗЕЙИ

Қишлоқ чеккасидаги чоғроқ боғ. Дов-дарахтлар орасида мўъжаз бир бино қад ростлаган. Бу бүюк оқин Эргаш Жуманбулбул ўғлининг меморial музейи. Зиёратгоҳ бундан 15 йил муқаддам ташкил қилинган. Аниқроғи, ҳамюртларнинг буюк бахши таваллудининг 110 йиллик тўйига ҳозирланган туҳфаси эди.

Бу эзгу ишни амалга оширишда Эргаш бобонинг шогирди, бахши шоир, марҳум Раҳматилла Юсуф ўғли, маҳалла оқсоқоли Мамадали Каримов ҳамда қишлоқ ўқитувчиси Ойдинбой ака Синдоровлар жонбозлик кўрсатишди. Айниқса, бу борада О. Синдоровнинг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. У Эргаш Жуманбулбул ўғли яшаган ва қадами етган Қўшработ, Нурота ҳамда Хатирчи туманларидаги юзга яқин қишлоқларни пиёда кезиб, бахшига тегишли буюмларни, уй-рўзғор жиҳозлари, кийим-кечаклар, хотин-қизларнинг тақинчоқлари, ҳар хил иш қуролларини излади.

Изланишлар самарасиз кетмади.


Бугунги кунга келиб музейдаги осори-атиқалар сони 3,5 мингтага етказилди. Музей 4 бўлимдан иборат. Уларда халқимиз томонидан унутилиб кетаётган совут, тоштавон, халажи, чорси, курма, тўпич, ва бошқа кўплаб нодир эски буюмлар сақланмоқда.

Ойдинбой ака 38 йилдан буён муаллим. Эргаш Жуманбулбул ўғли достонларидан кўпини ёддан билади, оқин термаларини йиғинларда айтиб юради.

З. ҲАМРОЕВ,
П. ЭРГАШЕВ,

ГУРУНГ

• Рассом табассуми •



Рассом Ҳусан Содиқов.

БУНИ ФУТБОЛ ДЕЙДИЛАР

ЁХУД ФАРҒОНАЛИК ҒОЛИБЛАР ХУСУСИДА

«Нефтчи»нинг муваффақияти ҳақида кўп ёзишди. Мустақил мамлакатда бултур «Пахтакор», бу йил эса Фарғона футболчилари чемпион бўлишди. Лекин ғолибларнинг ташвишлари ҳақида...

Қиргули. Жамоа маскани. Бош мураббий йўқ. Жамоа бошлиғи Лев Викторович Вахтинни эса асабий ҳолда учратдик. Телефонда ким биландир қаттиқ-қаттиқ гаплашарди. Гўшакни қўяр-қўймас нажоткорини кўргандай, дардини тўка кетди.

— Мураббийлик тақдири шунақа экан. Тўғри, мени чет элда ишлаш учун таклиф қилишяпти. Уй, машина, яхшигина маош беришмоқчи. Лекин «Нефтчи» менинг қадрдон жамоам. Унда ўйнадим. Мураббийлик ғояларим у орқали рўёбга чиқди. Фарғонада «илдиз» отдим. Ёру-дўстларим бор. Улар билан чойхонада бир маротаба палов ейишни ҳеч қандай бойликка алмаштирмайман...

Катта меҳнатим ҳосиласи — футболчилар ўйини. Имконият бор, эътибор ҳам. Йигитларнинг 8 нафари миллий, 2 нафари олимпия терма жамоаларига аъзо. Ўзининг 30 йиллик тарихи давомида «Нефтчи» бу йилдагидек барқарор ўйин кўрсатмаган. 30 мартдан 3 октябргача мағлубият нималигини билмадик. Октябрдагина уч очко йўқотдик. Бу ҳам бўлмасди, дарвозабонларимиз тажрибасизлик қилишди. Лекин, барибир рақамлар бизни қувонтиради. Энг кўп гол уриб, энг кам тўп қўйиб юбордик. Энг кам мағлубият ва энг кўп ютуқ ҳам бизда. Рустам Дўрмонов газетангиз таъсис этган махсус совринга сазовор бўлди. У «Моҳир тўпурар» деб топилди.

— Чемпионлик нақд бўлгач, «Нефтчи» Ўзбекистон кубогининг ярим финалида «Навбаҳор»га ўйинни атайлаб бой берганга ўхшайди, деган гапларга қандай қарайсиз?

— Бекор гап... Мен ҳеч қачон бирор бир футболчига фалон ўйинни ютқазиш керак, демайман ва демаганман ҳам. Ана шунга мойиллик сездими, эртага футболчининг ўзи бошқа бир ўйинни «сотади»-да, ўзингиз ўргатгансиз деб тураверади. Бу. тубанликка етаклайдику. «Навбаҳор» билан ўйинга келсак, наманганликлар ўз майдонларида бирор жамоага ютқазишдими? Йўқ, Қолаверса, ниятимиз финалда «Пахтакор» билан дуч келиш эди. Начора, буни футбол дейдилар. Ўша куни «Навбаҳор» биздан кўра яхшироқ ҳаракат қилди.

— Футболчилар кўринишмайди?

— Вақтинча дам олишда. Сафар тараддудини кўришяпти. Яқин кунларда Бирлашган Араб Амирлигига боришни мўлжаллаб турибмиз. Чемпионлик учун чет эл сафарини ваъда қилгандик. Кейин бир ой дам берамиз. 1994 йил 20 январларда эса Москвада МДҲ чемпионлари баҳси бўлиши кутилмоқда.

Телефон жиринглади. Гўшакни бош мураббий кўтарди. У гаплашаркан, ранги ўзгарди. Асаби бузилиб, қошлари чимирилди. Бир оз ўтиб, яна юзи ёришди, кейин:

— Раҳмат, сенга Рустамжон, баракалла! — дея такрорлади.

— Мавсум мухлислар учун якунланди. Биз мураббийлар учун эса у давом этмоқда, — дейди у. — Қолаверса, баъзи бир россиялик «овчилар» учун у энди қизияпти.

— Гапингизга тушунмадим?

— Телефон қилган Рустам Дўрмонов бўлади. Ҳозиргина унинг ёнига Россия жамоаларидан бирининг мураббийси келибди. Жамоасига таклиф қилиб, йилига 20 миллион сўм пул ваъда қилаётганмиш.

— Рустамчи?

— Кўнглингиз тўқ бўлсин. Бу масалада мен билан эмас, устозим билан гаплашинг, деб жавоб қайтарибди...

Ҳамроҳим «Нефтчи»нинг собиқ футболчиси, ўзХДП Фарғона шаҳар кенгашининг биринчи котиби Қаҳрамон Собиров бир воқеани айтиб берди, «Нефтчи» биринчи лигага чиққан йили тунда футбол жонкуяри Жўра ака Хоназаров Тошкентдан сим қоқибди. Табриклашмоқчи бўлиб. Юрий Вазгеновичнинг уйида йўқ экан. Шунда Жўра ака унинг хотинига ҳазиллашиб: «Юра уйда яшаяптими, ўзи? Жуда бўш қўйиб юборибсиз-да», деган экан, Марта ҳам лўнда жавоб қайтарибди ўшанда: «Агар Юра уйда яшаганида «Нефтчи» ғолиб бўлмасди...».

Шавкат ИСРОИЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КРОССВОРДНИ КИМ ТОПГАН?

Кунлардан бир куни Жанубий Африка иттифоқидаги Кейптуан шаҳар газетасининг бош муҳаррири маҳаллий қамоқхонадан бир хат олади. Унда ғалати тўрт бурчак квадратлар тасвирланган, ҳар бир катак ичига эса биттадан ҳарф ёзилганди. Хатда шундай дейилганди: «Жаноб! Қамоқда ўтириб, бир ўйин ўйлаб топдим. Уни кроссворд, деб атадим. Агар лозим топсангиз шуни газетангизда эълон қилсангиз».

Муҳаррир олдин буни бир тентак ёзгандир, деб эътибор бермай хатни чўнтагига солиб қўяди. Кечқурун дўстлари билан суҳбатлашиб ўтирганида ҳалиги хат эсига тушади-да, уни даврадагиларга кўрсатади. Ҳаммалари бу ажойиб топишмоққа чунонам берилиб кетишадики, катакдаги ҳарфлар сирини топиш учун роса бош қотиришади, катакдаги ҳамма ҳарфлар тўғри келганда эса, улар худди болалар сингари қувониб кетишади.

Эртаси куни муҳаррир қамоқхонага бориб, мактуб эгаси билан танишади. Кроссвордни ўйлаб топган киши автомобиль ҳалокатига сабабчи бўлгани учун қамалган, исми-шарифи Виктор Орвелли экан.

Орвелли кроссворди газетада босилиб чиққач, газетхонлар бу ўйинга қойил қолишади. Редакциялар Орвелдан янги-янги кроссвордлар тузиб беришни илтимос қила бошлайдилар. Бироқ озодликка чиққандан кейин кўп ўтмай у вафот этади. Бироқ дунё газета-журналларида ҳануз босилаётган кроссвордни Виктор Орвел ўйлаб топганлигини ҳамма ҳам билмаса керак.



ХАНДАЛАР

Сочлари ўсиб кетган йигит сартарошхонага кириб:

— Сочимни худди аввалги сафаргидай олиб қўйсангиз,— деди.

— Қанақасига, аввалгидай! — сўради уста. — Мен бу ерда атиги уч йилдан буён ишлаяпман.

* * *

— Биласанми, — деди депутатликка номзоднинг хотини эрига, — мен сенга ҳалол одамларнинг ҳаммаси овоз беришларига ишонаман...

— Йўғ-е, мен эса кўпчилик овозини оламан, деб юрибман...

* * *

— Тавба, ҳеч ақлим етмайди: арақ шу даражада қимматлашиб кетдики, одамлар ичмай қўйишди, қўйди-чиқди эса кўпаймоқда...

— Тўғрику-я, назаримда бу синовга ҳамма бардош беролмаяпти — ҳушёр одамнинг кўзи аввало хотинига тушади...

* * *

Бир ширакайф киши қаҳвахонага кириб:

— Официант, менга бир шиша арақ билан бодринг келтиринг, — деди.

— Кўплик қилмасмикин!

Маст ўйланиб туриб деди:

— Ҳа, гапингиз тўғри! Майли бодринг яримта бўла қолсин. Русчадан таржима.

1993 йилнинг 7-11 декабрь кунлари

Ўзбекистон рассомлари Уюшмасининг Кўргазма зали

Жихозлар, қурилиш материаллари ва уларни ишлаб чиқариш технологиясининг Ҳалқаро кўргазмаси

ҚУРИЛИШ САНОАТИ-93

* Лойиҳалаш, технологиялар, системалар
* Қурилиш материаллари, шу жумладан мармар, гранит ва бошқа табиий тошларни ишлаб чиқариш учун технология ва жиҳозлар
* Ғишт ва оловбардош материалларни ишлаб чиқариш учун технология ва жиҳозлар
* Кулолчилик буюмларини ишлаб чиқариш учун технология ва жиҳозлар
* Бетон ва цементни тайёрлаш ва транспортировка учун машина ва жиҳозлар
* Ер ишлари учун машиналар
* Материалларни транспортировка, сақлаш, юклаш ва жойлаш учун машиналар
* Изоляцион материаллари, уларни ишлаб чиқариш учун жиҳозлар
* Дераза ва эшик ромлари ва анжомлари
* Электрогенератор системалари
* Компрессорлар
* Кондиционерлар
* Санитария техникаси ва уни ишлаб чиқариш учун жиҳозлар
* Кулолчилик плиткалари
* Кранлар ва корғичлар
* Мебель

Олмония, Италия, Польша, Россия, АҚШ, Ўзбекистон, Франция, Швейцарияларнинг етакчи фирмалари кўргазмада иштирок этади

Ташкилотчилар:
Ўзбекистон Давлат "Ўзқурилишматериаллари" концерни,
"Ўзбегим Интернейшнл" Қушма корхонаси,
"Негус Экспо" корхонаси

Кўргазманинг иш вақти соат 10.00дан 17.00гача

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси—33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ

Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-46-24;
Навоийда — 3-74-76;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 4,44-62;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 52-624.
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Фарғонада — 6-37-16.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—635. № 227. топширилди — 24.00.
Навбатчилар: Ҳ. ИКРОМОВ, Р. ШОДИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй. топширилди — 21.00. 1 2 3 4 5 6.